Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш — бу инсонни, келажакни асраш демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
11-dekabr
chorshanba
№ 49 (1424)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ИККИНЧИ ФИКР

БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...

ёхуд содда юртдошларимизни чув тушираётган айрим “табиб”лар ва уларнинг тегирмонига сув қуяётган лоқайдлик иллати хусусида

Тонгда хотиржам кўз очиб қуёш ва осмонни тинчу беғубор кўриш, дастурхонингда насиба борлигидан кўнглинг тўқлиги, меҳнат билан қалбинг, турмушингни обод этишга йўлларинг очиқлиги қанчалар улуғ неъмат эканига шукр қиласан. Чунки халқу юртлари бир-бирига сувлар, қуруқликлар, тоғу дарёлар, иқтисодиётию маданиятлари билан чамбарчас боғланиб кетган дунёмиз яхлит жисмдирки, унинг бир жойидаги оғриқ, дард бошқа жойларига ҳам озми-кўпми таъсир этмай қолмайди. Шу боисдан дунё афкор оммасини ўйлантираётган, ечим излашга чорлаётган муаммолар, масалаларга эътиборсизлик, лоқайдлик ўз-ўзингнинг, келажак авлодингнинг тақдирига бефарқликдир.



Бозорлардаги тўкин-сочинлик, файзиёбликдан кўзингга ёш келади. Лекин бунинг ҳам қадрига етмов керак.

Чегараларимиз яқин ё олисми, ер куррамиздаги ранги, миллати, тили, урф-одатлари турлича бўлса-да, инсондай яшашга ҳақли бўлганларнинг омону хотиржамлигидан, хайрли ишларидан қувониб, уларни қўллаб-қувватлашга; худди шунингдек, ноҳақ жабру зулм кўраётганларнинг азобу уқубатларини қўлимиз, тилимиз, ҳеч бўлмаганда, қалбимиз хайрихоҳлиги, дуою ҳамкор овозимиз билан енгиллатишга ярамасак, илму одамийлик фанида ер курраси аҳлига ибрат, устоз бўлиб келган аждодларнинг авлодларимиз, дейишнинг маъносию қадри борми?!

Лекин афсус, дунёда миллион-миллион одамлар очлик, ватангадолик, касалликлар, ҳуқуқсизликдан зору абгорликка маҳкум бўлаётганига гувоҳ бўла туриб... биз бир йигитнинг қиёфасидан тортиб овозигача қуйиб қўйгандек ўхшашлигини, уларни боғловчи яна қанча далилларни кўра-билиб туриб, шу йигит шу одамнинг ўғлими, деб йиллар давомида каттаю кичик давраларда, ижтимоий тармоқда ёқа йиртиб муҳокама қилсак; тўйларда эркаклар орасига тушиб олиб селкиллатиши мумкин бўлган барча аъзоларини “ўйнатган раққоса”ларни томоша қилишдан чарчамасаг-у, яна оилавий ажримлар кўпайиб кетяпти, деб “жонкуярлик” қилсак; минбару саҳналарга нима мақсадда эмас, қандай кийим кийиб чиқиш асосий ташвишимиз бўлса; ўзи шундоғам қўли, тили узун бўлганларга маддоҳликдан ичу ташимиз сийқалашиб кетганидан уялмасак...

Айни кунларда эса ижтимоий тармоқларимиз “бозори”нинг ҳар икки кўчасидан бирида фарғоналик бир табибнинг ҳеч кимни назар-писанд қилмаган қиёфасию атрофида ҳақиқий оломонга хос воқеликлар чиқиб келяпти. Уларнинг қолипи бир хил: кўча, бир гуруҳ одамлар икки қаторга сочилган, ким тик, ким ҳассада, ким ногиронлар аравачасида.

Кутилмаганда чет эллик ёки таниқли домла-имомлардан бири қимматбаҳо машинасида одамларнинг ўртасигача кириб келиши ҳам мумкин. Икки-уч шотирларини эргаштириб ўзини машҳур табиб деб атаган "табиб" чиқиб келади.

На ёшига, на дардига, на аҳволига қараб деган қоида йўқ, “халоскор” ўтиб бораётиб кутилмаганда битта бемор (кўпчилиги аёллар)нинг олдида тўхтайди, унинг бошига бир қўлини қўйиб, “Нима бўляпти?” — деб сўраш асносида иккинчи қўли билан унинг елкаларини, орқасини, сонларию ...ни силай бошлайди. “Нима бўлди?” — деб сўрайди такрор-такрор ҳазилакам ўйин ўйнаётгандек. Икки-уч бор шу саволни қайтарганидан кейин бемор оғриқ камайгани, дарди “йўқолганини” айтади, кейин ҳассасини ташлаб... ҳозиргина ўн йил, беш йил, бир йилдан буён юрмаётгани, юролмаётганини айтиб турган беморлар юриб кетади. Кейин навбатдаги, навбатдаги беморларда ҳам худди шу ҳолатга ўхшаш нарсалар қайтарилади...

Ижтимий тармоқнинг яна бошқа саҳифасида эса Йўлчи Исмоилов деган бир жонкуяр фаол инсон “Ўзини табиб деб эълон қилган кишининг қилмишлари на табобатга, на шариатга тўғри келмаслигини; у одамларни алдаб, олдига келганларнинг ҳаммасидан сидирғасига 100 000 сўмдан шилиб олаётгани, аммо даво топмаганлар пулига ҳам, вақтига ҳам куйиб, ҳатто аҳволи оғирлашаётганини; “табиб”нинг найрангларидан юртдошлари таънаю маломатга қолаётгани, энг асосийси, одамлар алданаётганини” айтиб, ички ишлар, айрим ҳуқуқ-тартибот идоралари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёзма мурожаат қилганини маълум қилади. Лекин унинг айтишича, масъул идоралардан тайинли жавоб йўқ ҳали...

2-б.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



60 ЙИЛЛИК ТАРИХ КЎЗГУСИ

Китоб — асрларни асрларга, замонларни замонларга боғловчи, аждодларнинг эзгу орзу-интилишларини авлодларга етказувчи бетимсол восита.

Ўзбекистон кимё саноатидаги етакчи корхоналардан бири — “Navoiyazot” АЖ ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида “Navoiyazot” ишлаб чиқариш корхонаси ташкил топганлигининг 60 йиллиги юбилейига бағишлаб чоп этилган “Navoiyazot” акциядорлик жамияти — жадал янгиланиш ва инновацион ўзгаришлар даврида” номли янги китобнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Корхона раҳбарлари ва ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, китобни нашрга тайёрлаган ижодий жамоа, жамоатчилик вакиллари иштирок этган тақдимотда “Navoiyazot” АЖ Бошқаруви раиси Фаррух Самадов сўзга чиқиб, корхонанинг 60 йиллик тарихини қамраб олган ушбу китоб республикамизнинг забардаст корхоналаридан саналган “Navoiyazot” акциядорлик жамияти тарихи ва бугунги куни билан қизиққанлар учун, шунингдек, ёшлар маданий-маънавий, илмий салоҳиятини ўстиришга хизмат қиладиган муҳим манба эканлигини таъкидлади.

Китоб билан танишиб чиққанлар “Navoiyazot” АЖ босиб ўтган тадрижий юксалиш йўли ҳақида ранг-баранг дизайн, мазмунли ва бадиий тафсилотлар билан ҳикоя қилувчи китоб ҳақида илиқ фикрларини билдирдилар.

Қизиқарли таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлган кеча сўнгида “Navoiyazot” АЖ раҳбарияти томонидан янги китобни нашрга тайёрлашда жонбозлик кўрсатган ижодий жамоа муносиб рағбатлантирилди.

4-б.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



Самарқанддаги “Зарафшон” газетаси таҳририяти ўтган асрнинг бошларида мамлакатда миллий матбуот тамал тошини қўйган нашрлардан бири саналади. Газета ходимлари ҳам, фаол муаллифлари ҳам жадидчилик ҳаракатининг ташкилотчилари ва тарафдорлари бўлишган. Бу ерда ушбу ҳаракатнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализода, Ҳожи Муин, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби аъзоларининг ҳамкорлик қилиши ҳукуматни доимо ташвишга солиб келган. Айниқса, Туркистон мухторияти ҳаракати барбод бўлгач, унинг ташкилотчилари ва қўллаб-қувватловчиларига чинакам “ов” бошланган. Келаси йилда таваллудининг 140 йиллиги нишонланадиган Саидризо Ализода ана шу қурбонлардан биридир.



Тўғри, алломанинг номи оқланди, унинг миллатпарварлик фаолиятига муносиб баҳо берилди. Адибнинг икки томлик асарлар тўплами Самарқанд давлат университети олимлари томонидан нашр этилди. “Зарафшон” газетаси таҳририяти жадид бобомиз мақолалар тўпламини тайёрлади. Унинг уй-музейи таъмирланди.

Яқинда Саидризо Ализоданинг невараси Фарҳод ака менга бобосининг қамоққа олиниши, тергов қилиниши ва суд жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этди. Фарҳод аканинг айтишича, Россиянинг Владимир шаҳридаги тегишли маҳкамасида сақланаётган бу ҳужжатлар билан танишиш ва улардан нусха олиш осон кечмаган. “Мазмун жиҳатдан бир-бирини инкор этувчи ёки ёлғондан тўлдирилган айрим протокол ва тушунтириш хатларини барибир ололмадик”, деди у.

Келинг, қўлимизда мавжуд бўлган ҳужжатлар асосида Саидризо Ализода фаолиятига яна бир назар ташлайлик.

4-б.

ОҒРИҚ



Ҳаловатдан фожиагача бир қадам

Барча ота-оналар фарзанд истиқболини, келажагини ўйлайди, уларнинг яхши тарбия топиши, олижаноб инсон бўлиб ҳаётда ўрнини топишини истайди. Аммо ҳозирги пайтда ҳар-чанд ҳаракат қилмайлик, болаларга унча-мунча панд-насиҳатлар таъсир қилмайди. Йўқ, бу болаларнинг ёмонлиги ёки бетаъсирлигидан эмас, сабаблари кўп. Шулардан энг жиддийси — болалар фикру хаёлини жиловлаб олган, таълим-тарбияда жиддий муаммолар келтириб чиқараётган мобиль алоқа воситаларининг қулига айланиб қолганидадир. Афсуски, ёшларни ёш десанг, катта авлод вакиллари ҳам улардан қолишмайди.

Фикримизча, бунга икки сабаб бўлиши мумкин. Биринчиси, замонавий технологиялар даврида инсониятнинг дунё ҳаётига оид ахборотга чанқоқлиги бўлса, иккинчиси, ўша ахборот оқими билан ёт мафкуранинг онг остига осон сингдирилишидир. Четдан қараганда, бу кимлардир томонидан атайлаб қилинаётган сиёсат эмасдай туюлса-да, инсониятнинг вақти ва ақлу шуурини фойдали нарсалардан, масалан, ўқиб-ўрганиш, илмий салоҳиятини ошириш каби эзгу ишлардан чегаралаб туради.

Кўпчилик ота-оналар дастлаб ижтимоий тармоқлардаги тоғлару боғларга сайр каби қизиқарли лавҳаларнинг салбий оқибатлари бўлиши мумкинлигини ўйламайдилар ҳам. Афсуски, улар болалар табиатига мослаб шакллантирилган қизиқарли табиат лавҳалари, ўйинлар бора-бора жиддий мавзулардаги тарғиботларга айланиб кетишини билмайдилар.

2-б.

ЮЗМА-ЮЗ

“Журналистлик тоши жуда оғир, нони ғоят қаттиқ...”

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ЎзА Бош директори, сенатор Абдусаид КЎЧИМОВ билан суҳбат

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан навбатдаги янги лойиҳа — “Устозлар нима дейди?” дастурини доимий равишда тайёрлаш йўлга қўйилганидан яхши хабардорсиз.

Ушбу лойиҳа орқали оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллардан бери фаолият олиб бораётган, шунингдек, айни кунда кексалик гаштини сураётган устоз журналистларнинг тажрибалари, ҳаёт ва ижод йўли билан медиа соҳа вакилларини, жамоатчиликни таништириш, миллий журналистикамизнинг бугунги ҳолати, унинг ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар, соҳамизга оид долзарб масалалар хусусида фикр алмашишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) Бош директори, сенатор Абдусаид КЎЧИМОВ “Устозлар нима дейди?” дастурининг галдаги меҳмони бўлди. Қуйида айрим жузъий қисқартиришлар билан ушбу суҳбат матни билан танишишингиз мумкин.



— Абдусаид ака, ярим асрдан кўпроқ фаолияти журналистика билан боғлиқ ва меҳнатлари эътироф этилган ижодкор сифатида фикрингизни баён этсангиз: журналистнинг асосий қуроли нима ва журналист қаламининг кучи қандай намоён бўлади?

— Буни хушомад деб ҳисобламайсизлар. Аввало, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси “Устозлар нима дейди?” лойиҳасини ташкил этгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Сабабини изоҳласам, халқимизнинг жуда ибратли, ҳикматли мақолларидан бирида: “Бола — лой, устоз — кулол”, дейилади. Бу — устозу шогирдликнинг жуда мос рамзий ифодаси. Қачон устоз-шогирдлик деймиз? Қачонки устоз-шогирдлик яхши йўлга қўйилса, устозларнинг тафаккур чашмаларидан, босиб ўтган йўлларидан, орттирган яхши тажрибалардан ёшлар ҳам баҳраманд бўлсалар, ўша соҳада нимадир ижобий ўзгаришлар бўлади. Бу — ҳақиқий устоз-шогирдликнинг меваси.

Мана шу маънода “Устозлар нима дейди?” мавзуи атрофидаги суҳбат, фикримча, нафақат ёшларга, балки ўрта ва ҳатто кексароқ ёшдагилар, журналистлару ижодкорларга, томошабинларга ҳам фойдаси тегади.

Энди саволингизга келсак. Бугун жуда кўп масалаларда дунё билан бўйлашиш йўлидан боряпмиз. Бу кимдандир ўзиб кетиш, кимнидир менсимаслик ёки кимларгадир ўзимизни кўз-кўз қилиш дегани эмас. Чунки одам, аввало, ўзини, ёнидагиларни таниши ва ўзи яхши яшаши учун, Ватанию оиласи тинч, обод бўлиши учун ҳаракат қилади. Журналист, айниқса, ўзидан олдинги устозлар ўгитларидан тўғри хулоса чиқаргандагина дарсликларда, китобларда, дарсларда айтилмаган, ёзилмаган фикрларни, ҳаётий воқеаларни англаб таҳлилий фикр юритади.

Яна бир муҳим гап: ота-боболаримиз ҳамиша ёшларга бағрикенглик билан ғамхўрлик қилган. “Катта арава қаерга юрса, кичкинаси ҳам шу ерга юради”, деб бежиз айтилмаган.

5-б.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ:

Ҳаловатдан фожиагача бир қадам

1-б.

Ўзлари ҳам қўлларидаги “қутича”га тикилиб, вақтларини бесамар ўтказаётганини норасида гўдаклари кузатиб тургани билан умуман иши йўқ. Ана шундай муҳитда тарбия топаётган бола мактаб остонасига қадам қўймасданоқ, уяли телефон, компьютер, интернет, ижтимоий тармоқлар нималигини, уларнинг имкониятию қулайликларини билиб, ҳатто улардан моҳирона фойдаланишни ўзлаштириб олмоқда. Айрим ота-оналар боласининг бундай “уддабурон”лигидан хурсанд. Ҳақиқатан ҳам, бунинг нимаси ёмон?

Бир тоифа одамлар: “Ҳаётимизни компьютер техникаларисиз, уяли телефон алоқаларисиз, интернетсиз тасаввур этиш қийин. Интеллектуал авлод асрининг боласи — фарзандимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин”, — дейишлари мумкин. Бундай имкониятли болалар, албатта, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасини яратади. Виртуал дўстлар орттиради. Оқибатда кўпроқ вақтини “онлайн” тарзда ўтказади, одамлар билан жонли мулоқотлари камайиб боради. Шу тариқа улар ўз тинчлигини ўйлайдиган худбин, лоқайд, ишёқмаслик оламига киради. Энди улар таълим олиш учун ўқув муассасаларига боришса-да, ким биландир дўстлашишга имкони бўлса-да, уларни виртуал ҳаёт ўзига кўпроқ жалб қилади.

Ижтимоий тармоқлардаги “суҳбат”ларга “шўнғиб кетган” ота-оналар фарзанди вақтини нималарга сарфлаётгани билан умуман қизиқмайди.

Ижтимоий тармоқлар ҳаёсизлик, тубанлик тарғиботига хизмат қилаётганини қачон англаймиз? Ахир интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётган, онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни тўғри йўлдан чалғитишга уринадиган ғаразли кучлар чангалига тушиб қолиб, ўғил-қизлар жувонмарг бўлаётгани аччиқ ҳақиқат-ку!

Афсуски, кўпчилик ёшларимизда ахборот истеъмоли маданияти суст, турли хабарлар оқимидан зарурини ажратиб олишда билим, малака, кўникмалари етишмайди. Таълим муассасаларида телефондан фойдаланишни тақиқлаш билан иш битмайди. Телефоннинг зарари вақтини беҳуда сарфлаб, фойдасиз суҳбатлар қуришдангина иборат эмас. Вояга етиб-етмаган ўсмиру ёшларнинг телефон орқали ўзлари истаган мавзудаги, айниқса, ишқий суҳбатлари миллий шарму ҳаёни ўлдириб бормоқда. Интернетда топишганларнинг кўпчилиги бир-бирларини яхши билмайди. Ёш йигит ёки қиз реал ҳаётда ҳали кўпчилик билан танишиб улгурмай, компьютер орқали бутун дунё билан мулоқот қилиши мумкин. Интернет ўзининг мана шундай “улкан имконият”лари билан бирга, одамлар бир-бирини истаганча алдаши учун имкон бермоқда.

Ҳозир интернетга мурожаат қилмайдиган, ижтимоий тармоқларга кирмайдиган ёшлар кам топилади. Бу — террорчи ташкилотлар ғаразли ғояларини тарғиб қилиши учун ҳам қулай имконият. Кичик оилалардан тортиб айрим мамлакатларни ўз домига тортган нотинчликларнинг келиб чиқишида интернет хабарларининг таъсири катта. Турли фитналарга сабаб бўлувчи шовшувли ёлғон-яшиқ маълумотлар ёшлар онгини заҳарламоқда.

Кўрган қўрқинчли воқеа-ҳодисаларни ижтимоий тармоқларга жойлаштирувчилар ортиб боряпти. Кимдир автомобиль ҳалокатига тасодифан гувоҳ бўлади-да, қўлидаги телефонида шошилмасдан тасвирга олади. Уйига ўт тушган аёл норасида боласи билан тириклайин ёнаётган бўлса ёки тепа қаватдан кимдир ўзини пастга ташламоқчи бўлиб турса-ю, бахтсиз ҳодисани у ёғидан, бу ёғидан чопқиллаб юриб видеога олиб, ижтимоий тармоққа узатган одамни ким деб айтиш мумкин? Ахир ақл-ҳушли, инсонийлиги ўлмаган одам биринчи нав¬батда бошига кулфат тушганларни қутқариши, ёрдам кўрсатишни ўйлаши керак эмасми?

Оқибати аянчли воқеа-ҳодисани тасвирга олиб ижтимоий тармоққа жойлаштириш орқали бошқаларни ҳайратга солиш, бундан ўзи ҳам завқланиш кимлар учун шунчаки эрмак, ҳатто инсон ҳаётидан-да муҳимроқ бўлиб бораётгани фожиа эмасми?!

Аввалига дунё зиёлилари, ҳур фикрли кишилар ахборот эркинлиги учун курашди. “Ким ахборотга эгалик қилса, у дунёни бошқаради” қабилидаги фикрлар амалга айланди. Ҳозир дунёда ахборот энг қиммат товар, унинг кучидан турли ижтимоий-сиёсий мақсадларда фойдаланилади. Дарҳақиқат, кимлар учун рост, кимлар учундир ёлғон палла — глобаллашув ва интеграциялашув шароитида олтин, платина, жавоҳирдан кўра кўпроқ жаҳон бозоридан ахборот муносиб жой олди. Энди башарият ахборотнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетганидан азият чекмоқда.

Мутахассислар фикрича, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказишга одатланган аксарият ёшларнинг ўзлари уларни виртуал оламдан чиқаришга қаратилган уринишларга қаршилик қилар экан. Оқибатда улар атрофидаги реал ҳаётдан, яқинларидан, танишу дўстларидан узоқлашади, ҳатто овқатланиш, ўзига қараш, дам олиш, табиий эҳтиёжлари учун сарфлаш лозим бўлган вақтини ҳам ижтимоий тармоқларга бағишлайди. Иш ёки ўқиш билан банд бўлган чоғида ҳам асосий эътибори ўқишга эмас, смартфонига қаратилади. Бундай носоғлом интилиш, виртуал суҳбатдошлар билан ҳаддан ортиқ мулоқот қилишни психологлар ижтимоий тармоқларга қарамлик деб атайди. Интернетга қарамлик соғлиқни сақлаш ташкилотлари расмий реестрларига касаллик сифатида киритилмаган бўлса-да, дунё бўйича миллионлаб одамлар бу хасталикка чалинган. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

Бир неча йиллар илгари Жазоирда фақат интернетга, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган, Африка қитъасидаги интернет-фанатизми касалига чалинганларни даволайдиган ноодатий клиника фаолият бошлаган эди: шахсий аккаунтига кирмасдан, янгиликлар лентасини доимий кўриб чиқмасдан, виртуал дўстларининг фотосуратлари ва “постлари”ни кўздан кечирмасдан тура олмайдиган даражага келиш касалликнинг асосий белгиси сифатида эътироф этилди.

Ижтимоий тармоқларга қарамлик бора-бора руҳий зўриқиш, асаб касалликларига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатлар, шубҳасиз, шахс таназзулига олиб келади. Қарам киши ўзини хароб қиладиган “машғулот”га шунчалик берилиб кетадики, у ташқи дунёдан мутлақо узилиб қолади ва атрофида қизиқарли, жонли ва ранг-баранг ҳаёт кечаётганини пайқамайди. Бу, айниқса, ҳали тафаккури етарлича шаклланмаган болалар ва ўсмирлар учун хавф¬ли. Ёлғиз ва тортинчоқ одамлар ижтимоий тармоқларга кўпроқ қарам бўлар экан. Чунки уларда ҳақиқий суҳбатдошлар билан мулоқот етишмайди. Бу тоифага ўз тенг¬дошлари билан тил топиша олмайдиган ўспиринлар ва чақалоғи ухлаб ётганда бўш вақтларини ижтимоий тармоқда ўтказадиган ёш оналар ҳам киради.

Маълумотларга кўра, инсоннинг табиий ҳолатини йўқотиб, бирор нарсага ҳаддан ташқари берилиб кетиши иш жойида ҳам, оиласида ҳам муаммолар туғилишига сабаб бўлиши билан бирга, унинг ўзига, саломатлигига зиён етказади. Айниқса, бундайлар виртуал алоқалардан воз кечиши ва виртуал дўстларининг янгиликларини томоша қилишдан ўзини тийиши янада қийин. Айнан шу сабаб туфайли ҳам ҳозирги даврда ёш эру хотинларнинг ажрашишлари кўпайиб бораётгани қайд этилмоқда.

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Ганди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Лекин шу билан бирга эшик ва дераза¬римдан кираётган ҳаво довул бўлиб хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”, — деган эди. Демак, глобаллашувнинг жадал қулоч ёзишида катта роль ўйнаётган “ўргимчак тўри” — интернетни чуқур ўрганиш, моҳиятини англаш, чиқарилган хулосалар асосида ижобий хусусиятларидан фойдаланиб, салбий оқибатларидан ҳимояланишдан бўлак оқилона йўл йўқ. Ким ёқлайди, ким қарши бўлишидан қатъи назар, у мавжуд бўлиб қолаверади. Ва шундай бўлиши ҳам керак. Чунки компьютер, интернет ваҳимали, хавфли нарса эмас. Фақат улардан тўғри мақсадларда фойдаланишни билиш, фарзандларга ҳам унинг ижобий ва салбий томонларини англатиш зарур.

Ота-оналар эса фарзандларига эзгулик, поклик ва дину диёнатга чақирувчи яхши китоблар олиб берсалар, китоб мутолаасида, аввало, ўзлари ибрат бўлсалар, ўғил-қизлари қалбини ҳар хил иллатлардан ҳимоялаш йўлида ижобий қадам қўйган бўладилар.

Рушана РЎЗИБОЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ЖАҲОН АЙВОНИДА



ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ЙИЛИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Пекин шаҳрида “Хитойда Ўзбекистон туризм йили”нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир мамлакатимиз элчихонаси, Ўзбекистон Туризм қўмитаси, Хитой маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO) ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тантанали маросимда Хитойнинг турли вазирлик ва идоралари, йирик сайёҳлик компаниялари, маданият ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Иштирокчилар сўнгги йилларда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижий туристлар учун яратилаётган қулай шароитлар, мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ва имкониятлари ҳақида батафсил маълумот олишди.

Хитой маданият ва туризм вазири ўринбосари Лу Инчуань Ўзбекистон Хитой фуқаролари учун жозибали сайёҳлик масканига айланиб бораётганини таъкидлади.

UNWTO бош котиби Зураб Поликашвили ўз нутқида, Ўзбекистон юксак туризм салоҳиятига эга мамлакат эканлигини алоҳида қайд этиб, UNWTO сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорликни фаол давом эттиришини қайд этди.

Тадбир давомида, шунингдек, туризм ва инвестициялар бўйича бизнес-форум, тақдимотлар ва “B2B” учрашувлари ўтказилди.

Меҳмонлар эътиборига Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, иштирокчиларга миллий таомлар улашилди.

“Хитойда Ўзбекистон туризм йили” доирасида Пекин, Шанхай, Гуанчжоу, Ханчжоу, Сиань, Тянцзинь, Шэньчжэнь, Чэнду ва бошқа кўплаб шаҳарларда турли маданий, туристик ва иқтисодий тадбирлар, медиатурлар, сайёҳлик компаниялари ташрифлари, Хитой оммавий ахборот воситаларида туркум мақола ва кўрсатувлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, 2024 йил 1 декабрь куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов ва Хитой ташқи ишлар вазири Ван И ўзаро визадан озод қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар.

Битимга мувофиқ, Ўзбекистон ва Хитой фуқаролари икки давлат ҳудудларига кириш, ундан чиқиш ёки транзит қилиш учун 30 кунгача муддатга виза талабларидан озод қилинади.

“Дунё” АА,
Пекин шаҳри.

БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...

ёхуд содда юртдошларимизни чув тушираётган айрим “табиб”лар ва уларнинг тегирмонига сув қуяётган лоқайдлик иллати хусусида

1-б.

Ва яна: ижтимоий тармоқда сурхондарёлик, қашқадарёлик, самарқандлик, навоийлик, қорақалпоғистонлик, тожикистонлик, қирғизистонлик, туркманистонлик ва бошқа жойлардан Фарғонага келиб, “табибдан даво топдим” деган, ўзларининг яшаш жойлари ва кимликларини аниқ айтиб, дуо қилиб турганлар ҳам оз эмас. Даво топмадим, деганларнинг аксарияти исму шарифини айтмай, телефон орқали Йўлчи Исмоиловга дардини очган.

Гарчи, шунча яшаб ёшию дарди, касалининг тарихи хилма-хил бўлган беморларнинг бир хил “силаш”дан саноқли сонияларда бунақа юриб кетганини, оғриқлари таққа тўхтаганини, кўзи равшан кўра бошлаганини кўрмаган бўлсак-да, икки ўртада кимга ишониб, кимга ишонмасликни, кимни ростгўй деб, кимни ёлғончига чиқариб айблашни билмайсан. Чунки ихтиёримизда “дарддан тузалдим” деган ким ва қаерданлигини айтган анча-мунча эркагу аёлларнинг ҳам, телефонда “аҳволимда умуман ўзгариш бўлмади” деган исму шарифи номаълумларнинг ҳам оғзаки гапидан бошқа далил йўқ.

Лекин бу иложсиз ҳолат эмас. Ахир кейинги йилларда мамлакатимиз шифохоналари, ташхис марказлари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари, вазирликнинг вилоят, шаҳар-туман бўлимлари раҳбарларининг маърузаларида кўп эшитганмиз-ку. Наҳотки “неча йиллик дардимга табибдан шифо топдим”, “Шифохоналарда шунча даволаниб ҳеч фойдасини билмаганман” деб, манзили ва кимлигини аниқ айтиб турганларнинг касаллик варақасини кўтариб, ҳақиқатан ҳам у аввал дардманд ё соғ бўлганини аниқлаш, айни кунда саломатлиги қанақа эканлигини таҳлиллар, текширишлар орқали аниқлаш мумкин бўлмаса?! Бунинг ўрнига, мен эшитган телефон орқали бўлган ва ёзиб олинган икки суҳбатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ходимлари жамоатчи фаол Йўлчи Исмоиловнинг “Хатимга жавоб олишим керак бўлган муддат келди, қачон жавоб оламан?” деган саволига: “Хатингиз ўрганиляпти”, “Бу бизнинг ишимиз эмас, ички ишлар шуғулланиши керак” деган фикрни қайта-қайта айтиб, суҳбатни қисқа қилиш пайида бўлдилар. Одамлар саломатлиги ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари битта оддий фаол инсон қадар қизиқмаётгани (жон куйдириш, тиббиётнинг шаънини ҳимоя қилиш ҳақида оғиз очишгаям ҳожат йўқ)га “қойил қоласиз”.

Ҳа, жонкуяр фаолнинг “Қариялар, ногиронлар овора бўлиб, дарди оғирлашяпти. Шунга тезроқ чек қўяйлик”, — деганига Республика Соғлиқни сақлаш тизими ишларига энг масъул идорада ўтирганлардан айримларининг шундай жавобини эшитдик. Улар айни кеча-кунда ҳам “табиб”нинг на тиббиёт маданияти, на оддий инсонийлик этикаси, на гигиена талабларига жавоб бермаган тарзда шундоқ кўчанинг ўзида юзлаб одамлар устидан кулгандек қилаётган хатти-ҳаракатларининг илдизини илмий-таҳлилий ўрганиб, уни элга ошкор қилиб шунга қараб чора кўриш, ишончли йўлдан бориш ўрнига, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг чора кўришларини кутишяпти. Табибга эса қай бир уюшманинг бериб қўйган қоғози дастак, ички ишлар ходимларига уни кўрсатиб “Мана ҳужжатим!” — дейди. Ўртада... масалан-да, иложсизликдан учта неварани ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз қолдириб, келинини тиргак қилиб Сурхондарёдан водийга келган, бор пулини тўлаш эвазига “табиб”нинг масхараомуз сўзларию менсимасликларини кўриб-эшитиб, ёмғирдек дарди қорга айланиб уйига не азобларда етиб олган ногирон онахон каби сарсону саргардонлар дардини кимга айтсин? Шифокоргами? Қайси шифокорга?



Беихтиёр Бедилнинг сатрлари ёдга тушиб кетди:

Соч ва тирноқларга қараб ибрат ол,
Қон йўқ жойда йўқдир ҳис ва туйғу ҳам.

Ижтимоий тармоқлар кузатувчилари, “табиб”дан шифо умидида унинг маҳалла-кўчасига кириб чиққанлар орасида уни олғир, ёлғончи, сохта табиб экани юзу сўзларидан, хатти-ҳаракатларидан кўриниб турганини айтиб, “шунчаям содда, гўл, билимсиз бўламизми?” деб ёзғирганлар ҳам кам эмас. Аммо бир отахоннинг гапи эътиборли: “Мана, мен ҳам неча йиллардан буён оёқ оғриғидан азоб чекаман. Баъзида оғриқнинг қаттиқлигидан тонг оттириш ҳам қийин бўлиб кетади. Шифохоналарда даволанганман, машҳур дўхтирларгаям учрашганман. Жуда борса, тезда таъсир қилувчи кучли доридан укол қилиб қўйишади, оғриқ вақтинча енгиллашганга ўхшайди-ю, бир ҳафта-ўн кундан кейин аввалгидан ҳам кучлироқ бўлиб яна бошланади. Шунинг учун мен ўзим ҳам табибни бир йилча кузатганман, борсаммикин, деб ўйлаганман. Чўкаётган одам хасга ёпишибди, деганларидек, дард азобидан тинкамадори қуриган, асаблари чарчаган дардманд шифо истаб нималар қилмайди, қаерларга бормайди...”

Мана, сиз ва биз ҳам беихтиёр ижтимоий тармоқларда “тренд” бўлаётган “табиб” воқеасига аралашиб кетдик. Сиз ва биз, тармоқдаги “шов-шув”га шўнғиб кетган, уни кузатаётганлар ва давраларда ҳам айни мавзуни муҳокама қилаётганлар юз минглар, балки неча юз мингларни ташкил этармиз. Айни шу мавзу атрофидаги баҳсу мунозараларга сарфланган вақтларни ҳисобласак ва ундан олинган натижани ўйласак, юрак орқага тортади. Ҳолбуки, шу ғанимат фурсатларимиз ва куч-қувватимизни илм ёки ҳунар ўрганишга, бошлаган ишимизни охирига етказишга, меҳнат билан хонадонимизни обод этишга, меҳру оқибатларини мустаҳкамлашга, янги бир тадбиркорлик ишини бошлашга, орзумиздаги режаларни журъат билан бошлашга, ибратли яхшиликларга қўшилишга сарф этишимиз мумкин эди. Биз (табобат илмию амалиётида алифни калтак дея олмайдиганлар) мавзуни минг йил чайнасак-да, наф чиқиши амри маҳол. Чунки бизнинг мулоҳазаларимиз аксарият ҳолларда илму тажрибага эмас, ҳиссиётларга асосланган.

Аҳолиси азалдан илму маърифатлилиги билан ажралиб турган Қўқон шаҳрида анъанавий табобат ҳам, халқ табобати ҳам ривожланган. Ҳар бир маҳаллага шифокорлар бириктирилган. Улар “табиб” иш бошлаган дастлабки кунларданоқ унинг фаолиятига илмий ёндашиб, иш тартиби беморларни даволаш амалиёти талабларига қай даражада жавоб беришига, шунингдек, мижозларнинг аҳволи, фикр-мулоҳазаларига эътиборли бўлишлари, шикоятлар сабабини ўрганиб, белгиланган тартибда чора кўрилиши шарт эди. Шунда оворагарчиликлар, норозиликлар, дардлар устига чипқонлар чиқиши, фурсату маблағ исрофгарчиликларининг олди олиниб, халқнинг оқ халатлиларга ишончу ихлоси ортган бўларди. Хуллас, ижтимоий тармоқлардаги битта шу мавзудаги баҳсларни кузатганлар, унда қатнашганлар ўша вақтлари, куч-қувватларини биттадан ниҳол экиб, парваришини бошлашга сарфлашса, катта бир боғ барпо бўлармиди!

Бу бир мисол. Айтайлик, қай бир ҳудудларда йўллар асфальтланмаган, қаҳратону саратонда бу йўлларда юриш одамларга азоб... Шундай ҳолатда йўлсозлар кўчаларнинг ёзда тупроғу қишда лой бўлгани учунгина эмас, каттаю кичик бу ноқулайликлар туфайли нолиб, турли идораларга шикоят билан арз қилиб, йиллар давомида бу муаммони ўзаро муҳокама қилиб умрлари бесамар ўтаётганига ҳам сабабчи бўлмайдими?!

Қай бир ҳудудларда чироқлар доимий равишда ўчиб қолаётган бўлса, ўша жойнинг электр тармоқлари масъуллари хонадонлар маълум соатларда қоронғида қолганликлари учунгина эмас, шу муаммо билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган норозиликлар, миш-мишлар, бу борада давлат идораларига ишончсизликларнинг сабабчилари эмасми?!

Айни фикр барча соҳага тааллуқли. Ҳаммамиз ўзимиз уддасини олган ва жавобгар бўлган ишни касб масъулияти, давлат қонунлари талаблари даражада бажарсак, элнинг куч-қувватини емириб, умрини совурадиган “бекорчиликдан бемаънигарчилик” қабилидаги шовшувлар, тарафларга бўлиниб олиб фойдасиз баҳслашувлар, билиб-билмай оқлашу қоралашлар, гинаю адоватлар исканжасидан озод бўлиб борардик, қалбларимиз кўпроқ нурга, зиёга, яхшиликка, инсоний улуғворликка интилган шижоатга айланармиди, иншоллоҳ.

Яна битта гап: юқорида асосан бир “табиб” ҳақида тўхталдик. Аммо бундай “табиб”лар юртимизда битта эмас, анча. Мана, куни кеча қайсидир телеграмм саҳифасида қумқўрғонлик сохта муллонинг, иймонсиз кимсанинг “дам солиш, ўқиш” билан алдаб ҳузурига келган хотин-қизларга тажовуз қилиши ҳақида ёзишди. Қўлида муқаддас китоб, лекин ҳайвоний ҳирсини қондириш учун муқаддас каломларни пеш қилиб қабиҳлик қилаётган кимса. Нима дейиш мумкин? Бунақа виждонсиз, қаллоб нусхаларга қонуний чора, жазо шак-шубҳасиз тезкорлик билан кўрилиши керак. Нетонгки, жамиятда кечаётган бундай хунук воқеаларга лоқайдлик, эътиборсизлик жуда қимматга тушмоқда.

Халқимизда “бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур” деган гап бор. Қизиқ, жойи келса, бир бечораю шўртумшуқнинг эмин-эркин писта сотишига йўл қўймайдиган назорат органлари нима учун неча юзлаб кишини чув тушираётган бундай сохта табиблар фаолиятига кўз юмиб туришибди? Лоқайдлик, бепарволик ва ҳаракатсизлик ортида нима яширин? Ёхуд “табиб”нинг чиндан ҳам “кўр кўзларни” очаётгани, умр бўйи юролмаётган чўлоқларни чопқиллатиб юбораётгани ҳақиқатми? Агар шундай бўлса, тегишли муассасалар томонидан бу очиқ-ойдин эътироф этилиши, бундай бўлмаса, бу қаллобликка зудлик билан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши лозим эмасми?!

Умуман, бу гап — бошқа сохта “табиб”лар, кўзбўямачи “муллалар”у, фолбин ва кинначиларнинг “фаолияти”га ҳам тегишли.

Қонун — қонунчилигини қилмаса, беморлар оворагарчиликка, қаллоблар гуллаб-яшнаб юраверишига ҳеч бир адолат мезонига тўғри келмайди!

Муҳтарама УЛУҒОВА

МУЖДА

Қутлуғ саналар арафасида азим Оҳангаронда ҳам байрам шукуҳи ўзгача давом этмоқда. Айниқса, шу кунларда оҳангаронлик журналистларнинг кайфияти чоғ, кўкси тоғ бўлиб турибди. Нафақа гаштини сураётган ижодкорлар билан суҳбатлашар экансиз, инсонга ҳамкасблари, ёру дўстлари томонидан берилган бир чимдим меҳр ва эътибор уни жуда кўп эзгу ишларга қодир қилишини, кучига куч, шижоатига шижоат қўшишини англаш қийин эмас.



ОҲАНГАРОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАДАН МАМНУН

Узоқ йиллар матбуот соҳасида меҳнат қилиб, рангин суратлари билан газета саҳифаларини безаган нафақадаги ижодкор, 80 ёшнинг остонасида турган Жўра Намозбоев шундай деди:

— Журналистлар фаолияти давомида кўп ҳолларда эътибор марказида бўлишади, кунига ўнлаб, ҳаттоки юзлаб инсонлар билан гаплашишга тўғри келади. Жамиятнинг қайноқ қозонида қайнаган инсон учун нафақа гаштини суриб, уйда ўтириш дастлабки йилларда оғир бўлади. Чунки нафақага чиққанингиздан сўнг, аслида, у қадар эътибор-эъзозда эмаслигингизни сезиб қоласиз ва бу ҳар бир инсонга салбий таъсир қилади. Минг шукрки, ҳозирги кунда бизга бундай ҳислар бегона. Негаки, икки йилдан буён Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси масъуллари тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Ўтган йили вилоят масъуллари уйимга келишиб, номдор газетага бепул обуна қилиб беришган эди, йил давомида уюшма масъулларини дуо қилиб, газета ўқидим. Куни кеча ҳам Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев хонадонимизга келиб, ҳолимдан хабар олди, масъуллар билан биргаликда ўтириб, муаммоларимни сўради ва ўзим севган “Hurriyat” газетасига бир йиллик обуна чеки ва бошқа совғалар ҳадя қилди. Ҳамкасбларим билан суҳбатлашиб, ўзимни анча яхши ҳис қила бошладим, кўнглим тоғдек ўсди. Қолаверса, жамиятга кераклигимни яна бир бор ҳис қилдим. Инсон шундай эъзоз-эътиборда яшаса, ҳеч қачон қаримаса керак, – деди биз билан суҳбатда отахон.

Дарҳақиқат, куни кеча Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев Оҳангарон воҳаси ижодкорлари билан дилдан суҳбатлашди. Суҳбат давомида асосий эътибор журналист касб этикаси масалаларига қаратилди.

Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими масъуллари дастлаб нафақадаги фахрий фотомухбир Жўра Намозбоевнинг хонадонида, сўнгра “Оҳангарон ҳаёти” газета таҳририятида бўлишди. Таҳририятга давра суҳбати учун ташриф буюрган фахрий журналистлар Ойсара Дадаева, Нурали Абдурасулов, Озод Хушназарзода, Нигора Шофайзиева, Қудрат Одинаевларнинг самарали фаолияти алоҳида эътироф этилиб, Тошкент вилояти матбуоти ривожига қўшган ҳиссалари тилга олинди.

Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев бир гуруҳ фахрий журналистларга уюшма аъзолиги гувоҳномалари ва кўкрак нишонларини тантанали равишда топшириб, уларга “Hurriyat” ва “Тошкент ҳақиқати” газеталарининг бир йиллик обуна чекини уюшма номидан совға қилди. Янги 2025 йилда оҳангаронлик фахрий журналистлар бепул газета ўқишадиган бўлди. Аниқроғи, бўлим ўз маблағлари ҳисобидан 42 нафар фахрий журналист учун 2025 йилга обуна ташкил қилди.

Фахрийлар даврасидаги суҳбат сермазмун ва таассуротга бой ўтди. Оҳангаронлик журналистлар бу каби эътибор-эътирофдан мамнун бўлишди.

Шоира ТЎЛАГАНОВА

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ

ЯШИЛЛИК — ТАБИАТ ЮРАГИ

Табиат ва яшиллик инсон ҳаёти учун ажралмас аҳамиятга эга. Дарахтлар, ўт-ўланлар ва ўрмонлар нафақат кислород манбаи, балки экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда глобал исиш, экологик муаммолар ва табиий ресурсларнинг қисқариши яшилликни асраб-авайлаш масаласини ҳар қачонгиданда долзарб қилиб қўймоқда. Шу сабабли бу борадаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимларини излаш зарур.



Яшиллик табиатнинг юраги бўлиб, инсониятнинг экологик хавфсизлигини таъминлайди. Дарахтлар ҳавони тозалайди, карбонат ангидридни ютиб, ўзидан кислород ажратиб чиқаради. Шунингдек, улар тупроқни эрозиядан сақлайди, сув ресурсларини барқарорлаштиради ва ернинг биологик хилма-хиллигини қўллаб-қувватлайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа кўплаб иқтисодий манбалар айнан яшил ҳудудларга боғлиқ.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилгани Янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаб, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Аслида, мамлакатимизнинг гўзал табиати, мусаффо ҳавоси, зилол ва шифобахш сувлари асрлар давомида инсониятни мафтун этиб келади. Бироқ саноатнинг ривожланиши, энергия ресурсларига талабнинг ортиши, табиатга муносабатнинг ўзгаргани иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳит ифлосланиши, сув тақчиллиги каби муаммоларни кўндаланг қўйди.

Хўш, бугун қандай муаммолар ва таҳдидлар бизни қийнамоқда? Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

Ўрмонларнинг кесилиши. Бутунжаҳон ўрмонларининг 15 фоиздан ортиғи сўнгги ўн йилликда йўқ қилинди. Бу жараён глобал исишни тезлаштирмоқда.

Урбанизация. Аҳоли сонининг ўсиши ва янги қурилишлар яшил ҳудудларнинг қисқаришига олиб келмоқда.

Қуриган ер майдонлари. Тупроқнинг яроқсиз ҳолга келиши, айниқса, қурғоқчил ҳудудларда яшилликни камайтирмоқда.

Иқлим ўзгариши. Ҳаддан ташқари иссиқлик ва ёмғирнинг камлиги ўсимликлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Муаммолар етарлича экан, уларга ечимлар ва чора-тадбирлар борми, дейишингиз табиий. Албатта, бор. Зеро, ечими йўқ муаммонинг ўзи йўқ. Яшилликни асраб-авайлаш учун қуйидаги ечимлар амалга оширилиши лозим:

Дарахт экиш лойиҳалари. Ҳар бир фуқаро йилига камида битта дарахт экиши рағбатлантирилиши керак. Бу жараён кўплаб экологик муаммоларни камайтиради.

Қонуний назорат. Дарахтларни ноқонуний кесиш ва ерларни ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш учун қатъий қонун-қоидалар жорий этилиши зарур.

Таълим ва тарғибот. Яшилликнинг аҳамияти ҳақида аҳолига мунтазам маълумот бериш, айниқса, ёшлар орасида бу мавзуни кенг ёритиш керак.

Барқарор қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалигида технологик ютуқлардан фойдаланиш орқали ернинг унумдорлигини ошириш ва экологик зарарларни камайтириш лозим.

Технологияларни қўллаш. Глобал иқлим ўзгаришини секинлаштириш учун яшил технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларига эътибор қаратиш керак.

Яна бир муҳим масала борки, бу ҳам бўлса экологик маданият ва тарбиянинг шаклланишидир. Бусиз бирорта амалий тадбирларнинг натижаси бўлмайди. Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда кўпчилик ўз турар жойи атрофини тозалашга эринадиган бўлиб қолганини қайд этган эди. “Халқимиз азалдан табиатни муқаддас деб билган. Тупроқни, сувни, ҳавони, остонасини пок сақлашга интилган. Халқимизда “Бирни кессанг, ўнни эк” деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган. Оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган. Афсуски, мана шу эзгу одатлар бугун деярли йўқолиб кетди. Одамларимиз ҳатто эшиги ва ҳовлиси атрофини тозалашдан, дарахт, гул, кўчат экиб, саранжом-саришта қилиб қўйишдан эринадиган бўлиб қолди. Нимага бу масалада ОАВ орқали ҳамда маҳаллаларда бонг урилмаяпти? Қани маҳалла фаоллари, нуронийларимиз ва жамоатчилигимиз?”

Давлатимиз раҳбари ўз сўзларини давом эттирар экан, бугун дунё миқёсида техника ва технология, саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқаётгани ҳам айни ҳақиқатлигини таъкидладилар.

“Биз бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак. Бу нима дегани? Бу — табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш, дарахт экиб, боғ яратиш дегани. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда, “бу ишингиз нотўғри бўлди”, дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларимизни бунга ўргатишимиз керак. Бу — ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир”, — деди Президентимиз.

Ҳақ сўзлар. Аслида, яшилликни асраб-авайлаш инсониятнинг фақат бурчи эмас, балки келажак авлодлар учун мажбуриятдир. Ҳар биримиз табиатга меҳр кўрсатиб, яшил муҳитни сақлашга ҳисса қўшишимиз шарт. Бу йўлда амалга оширилган ҳар бир қадам нафақат атроф-муҳит, балки жамият тараққиёти учун хизмат қилади.

Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли.

ТААССУФ

Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тезкор топшириғига биноан 2023 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри аҳолисини қўшимча иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тезкор чоратадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарори қабул қилиниб, унда пойтахтнинг саккизта маҳалласида замонавий иситиш қозони қуриш белгиланган эди. Кўп ўтмай Учтепа туманидаги маҳаллалардан бирида дастлабки иситиш қозони фойдаланишга топширилганини, тантанада Президентимиз қатнашганини телевизорда кўриб қувонган эдик. Чунки биз истиқомат қилаётган Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалла ҳам қарорга киритилган ва рўйхатнинг бошида бўй кўрсатиб турарди.



ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ

(Фельетон ўрнида)

Ўша кунлар мутахассислар келиб жой танлаганини, ҳадемай иш бошланишини маҳалла оқсоқолидан эшитиб, каттаю кичикнинг хурсанд бўлганини айтмайсизми?! Узоқ йиллардан бери иссиқлик қувватисиз қиш азобини тортиб келаётганидан қутуладиган бўлади-ю, севинмайдими, севинади-да! Афсуски, сувни кўрмай этик ечиб қўйибмиз. Лов этиб ёнган олов дарров ўчди-қолди. Биз эса яна ёза-ёз-у югур-югурга тушдик. Туман иссиқлик қуввати корхонаси, пойтахт ҳокимияти ва вазирликлар мутасаддилари биздан, биз улардан бездик.

Ўтган йил давомида “Hurriyat” ва “Жамият” газеталарида босилган танқидий мақолаларни соҳа раҳбарларининг қўлларига тутқазишимизга қарамай, бугунга қадар биронтаси қиё боқмади.

Хуллас, ҳукуматимизнинг қарорини етарлича бажара олмаётган идораларнинг масъуллари халқнинг дардига дармон бўлишни қачон ўрганишади? Аслида, Президентимизнинг “Одамлар раҳбарлар олдига эмас, раҳбарлар одамлар ҳузурига бориши шарт” деган оқилона гапига амал қилиб, бир соатгина вақтларини қизғанмаганларида, салкам уч минг кишилик маҳалла ўз ёғига қовурилиб, юрак ҳовучлаганча ўтган қишни электр иситкичлар билан ўтказмас, шу кеча-кундузда хонадонларидаги совуқдан-совуқ батареяларига дамбадам кафт босиб турмаган ва қишнинг аёзли бир ойини шу аҳволда ўтказиб, биринчи қорни қалтираганча кутиб олмаган бўлармидилар...

Начора, чиқмаган жондан умид деганларидек, ёзу кузни ўтказган соҳа мутасаддилари бир ойдан бери эътирозларимизни эшитиб, эшитмаганликка олаётганликлари натижасида қолган ишга қор ҳам ёғиб бўлди.

* * *

Шароф Рашидов номи билан аталган маҳалла пойтахтнинг қоқ белида. Кўп қаватли уйлардан иборат бу маскан 1966 йилги ер силкинишидан сўнг, қайта қурилган. Иссиқлик қувватини Тошкент аэропорти яқинидаги Яккасарой тумани ҳудудида 1960 йилларда бунёд этилган иситиш қозонхонасидан олади. Кейинги ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида оралиқдаги бир-икки қаватли уйлар ўрнини юзлаб кўп қаватли бинолар эгаллади. Иссиқлик қуввати етказиб берувчи корхона эса ўша-ўша. Табиийки, у бугунги эҳтиёжни қондира олмайди. Бунинг устига, маҳалламиз энг охирги нуқта. Туман иссиқлик корхонасидагиларнинг кабинетдан чиқмай телефонда айтадиган важи ҳам битта: “Биз керакли миқдордаги иссиқликни уйгача етказиб беряпмиз, бошқасини билмаймиз. Эътирозингизни хизмат кўрсатувчи компанияга айтинг!” Компания эса: “Йўқ иссиқликни қаердан топиб бераман?” демоқда? Тўғри-да, қозонда бўлса, чўмичда чиқади. Йўқни йўндириб бўлмайди-ку. Шу боис неча йиллардан бери “бор отангга, бор онангга” қабилида иш тутилиб, азобни маҳалла аҳли тортиб келяпти. Қанийди, соҳанинг ҳолвани еб ўтирган казолари маҳаллага келиб, ҳақиқатни айтса. Йўқ, буни ҳеч қайси бири лозим кўрмайди. Далил учун аввалги қишлар машмашаларини кўя туриб, кечагисидан гапирайлик.

Қиш қишлигини қилиб, жойларда иссиқлик қуввати бутунлай сусайиб қолгани, трансформаторлар бардош беролмай бурқсиб тутагани, ёнгани, аҳолини довдиратиб қўйганини соҳа раҳбарлари ҳали унутмагандирлар. Бу ташвишдан астойдил азият чеккиб, соҳанинг катта-кичик идораларига соатлаб қўнғироқ қилганимиз, ёзма мурожаатларимизга раҳбар зоти қулоқ тутмагани ёдга тушиб, юрак эзилиб кетади. Ҳаттоки давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонасига қилган мурожаатлар ҳам фойда бермади. Туман ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда иссиқлик қуввати корхонасига қилган тинимсиз қўнғироғлардан сўнг келган назариётчи ва амалиётчилар хонадонларимиздаги батареяларга қўл теккизиб, аҳвол танглиги сабабларини излашга киришдилар. Иссиқлик босими пастлиги ошкор бўлгач, қўшни маҳалладаги барча кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тарқатувчи қурилмалари шайбасини қисқартириш орқали масалани ечиш мумкин деган қарорга келдилар. Икки ҳафта давом этган бу ишдан самара бўлмагач, назариётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам ими-жимида ғойиб бўлишди. Биз эса...

Уй ичида қанчалик иссиқ кийинмайлик, совуқ захри болаларнинггина эмас, биз катталарнинг ҳам жонимиздан ўтди. Тинимсиз йўталл, иситма, қалтираш дорихонадан дорихонага зир югуртирди. Уй четидаги хонадонлар зах тортиб, девор ва шифтлар моғорлаб, сувоқларининг кўчиб тушиши дард устига чипқон бўлди. Аянчли бу аҳволни кўрган туман иссиқлик корхонаси ходимлари музей экспонатини томоша қилгандай бош чайқаганча чиқиб кетавердилар. Иссиқлик етарли бўлмаганлиги оқибатида рўй берган зарарни қоплаш у ёқда турсин, қайта ҳисоб-китоб қилиш учун тузилган, имзо ва муҳр қўйилган далолатномаларни ўз қўли билан қабул қилиб олган корхона директори жаноб М.Абдураҳимов тўрт йилдан буён истеъмол қилинмаган иссиқликни қайта ҳисоб-китоб қилиш ўрнига, худди биз жиноятчидек, дағдағали тўлов қоғозини юборишдан ҳузур қилаётганга ўхшайди. “Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор?” деганлари шу-да. У ва унинг тепасида турган соҳа раҳбарлари биз-нинг ҳолимизга тушсалар нима қиларканлар? Бошга тушганни кўз кўрар деб ўтираверармиканлар? Ўтириб бўптилар! Дарвоқе, маҳалламиздаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи компаниялар ризқ-насибадан айрилиб қолмаслик учун 40, 60 ва ҳатто 200 га яқин хонадонларга эга кўп қаватли уйларга озгина бўлса-да, илиқлик бахш этиш мақсадида қайтиб қозонга бориши керак бўлган сувни оқова тизимига оқизиб қўйганларидан, натижада юзлаб (балки минглаб) тонна сув исроф бўлганлиги учун кимдир жавоб бериши керак-ку ахир!

Ушбу масала бўйича Миробод тумани ҳокими қабулида бўлганимизда, бундай ноқонуний ишнинг асосий жавобгари Абдураҳимов мазкур саволга: “Компанияларни жаримага тортдик”, дейиш билан чекланди. Хўш, уч-тўрт компания уч миллион сўмдан тўлаган жаримаси билан муаммо ечилиб қолдими ёки иситиш учун миллионлаб сўм сарфланган ўша илиқ сув жойига қайтиб бордими? Йўқ, албатта! Унда бу қишда нима бўлади? Баҳор ва ёз ўтиб, бирон-бир иш қилинмагач, нима бўларди?! Ўтган қишни азоб билан ўтказганимиздан хабардор бўлган мутахассислардан бу йилги қишда ҳам аянчли “саргузаштлар”га тайёр туришимиз кераклигини эшитганимда, ушбу дил дардини ёзмасликнинг иложи бўлмади.

Энди мана бу мисолга эътибор беринг. Кечаги қишнинг айни қирчиллама палласида хонадонимга туман иссиқлик корхонаси ходими Бахтиёр исмли ёш йигит кириб келди.

Салом-аликдан сўнг, у канализацияга оқизиб қўйилган сув учун тузилган далолатномаларга маҳалла раиси қўл қўймаётганлигидан нолиб қолди.

— Шунинг учун келдингизми? — сўрадим ундан.

У бир даста қоғоз кўрсатиб, менга тикилди:

— Сиз имзолаб беролмайсизми?

— Йўқ! — дедим мен кесиб. — Бунга мен ваколатли эмасман.

Йигит столни айланиб ўтиб, батареяни ушлаб кўрди.

— Қўлингиз куймадими?

У индамади. Биз хайрлашдик.

Орадан бир ҳафта ўтиб, 2024 йилнинг 15 январь числоси билан “VEOLIA ENERGY TASHKENT” МЧЖ ХК Бош директори А.Хаитметовнинг 36-09/4 рақамли хатини олиб, ёқа ушладим. Менга ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари ҳамда Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарига йўлланган бу хат мантиқсиз ва саводсизларча ёзилган бўлиб, у қип-қизил ёлғон ва бўҳтондан иборат эди.

Биринчидан, мен бу МЧЖ ХКга ёзма мурожаат қилганим йўқ.

Иккинчидан, менинг хонадонимдаги иссиқлик 26 даражалигини ким аниқлади?

Учинчидан, МЧЖга ёзма (?) муносабат билдиришдан бош тортган эмишман.

Тўртинчидан, иссиқлик бўғини кўрсаткичлари меъёрида ишлаётганмиш.

Бешинчидан, Бахтиёр исмли ходим томонидан тузилган узуқ-юлуқ ва ҳеч нарсани англатмайдиган далолатномага ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир М.Абдураҳимов нимага асосланиб имзо чекди?! Ўзи билан ходимидан бошқа ҳеч ким қўл қўймаган бу далолатнома сохта ва асоссиз эканлигини наҳотки жаноб Хаитметов пайқамади? Ахир бу бориб турган кўзбўямачилик-ку!

Шаҳар ҳокими ўринбосари билан шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари хатнинг моҳиятига эътибор бермай, алданиб ўтиргани ўта бефарқликнинг аломати эмасми? Эҳтимол, улар ҳам қуйидагиларга ишониб, юқоридагиларни ёлғон жавоб билан хотиржам қилган бўлсалар, ажабмас.

Шу боис “Hurriyat” газетасининг шу йил 21 февраль сонида “Ким кимни алдаяпти?” номи билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “VEOLIA ENERGY TASHKENT” МЧЖ ХК мутасаддиларига очиқ хат йўллаб, маҳалламиз аҳолиси қишни кўп йиллардан бери иссиқликсиз ўтказиб келаётгани сабабларини кўрсатиб, кичик иситиш қозони қуриш турли баҳоналар билан пайсалга солиб келинаётгани, бу билан ҳукуматнинг тегишли қарори бажарилмаётгани хусусида аччиқроқ гапиришга мажбур бўлдим. Буни қарангки, айтиб ўтилган вазирлик ҳам, ҳокимият ҳам бугунга қадар на “ҳа” деди, на “йўқ”. Кейинроқ бу нуфузли идоралар вакиллари телефонда шундай жавоб бердилар: **“Қурилиши керак бўлган иситиш қозони ускуналари чет мамлакатлардан сотиб олинади. Ҳозир маблағ йўқ. Имкон бўлганда аста-секин қурилади...”** Ана, холос. Битта иситиш қозонини қуришга топилган пул иккинчисига топилмаса-я?! Демак, “ҳолва пиш, оғзимга туш” деганча, тиш тақиллатиб ўтираверарканмиз-да.

Шуми одамларнинг мурожаатига, газеталарнинг адолатли танқидига муносабат? Соҳа жиловини маҳкам тутиб турган мутасаддилардан кутилган натижа шу бўлса, бу ёғи нима бўлади?! Бу саволларга ким ва қачон жавоб беради? Қаҳратон қиш эса яна қиличини ёлонғочлаб келган бўлса?!

Нуриддин ОЧИЛОВ

УЮШМА КУТУБХОНАСИ БОЙИМОҚДА

1-б.

Истеъдодли журналист Саид Раҳмонов Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси кутубхонасига ўзининг “Ҳамоҳанглик” номли китобини туҳфа қилди.



Ушбу китобда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар қаламга олинган. Юртимиз иқтисодий ҳаёти, одамлар турмуш тарзи, тафаккуридаги янгиланишлар, муаммоларни енгиб ўтаётган замонамиз қаҳрамонлари характери журналист нигоҳи, кузатишлари ва холис таҳлиллари орқали ёрқин очиб берилган.

Муаллифнинг кейинги етти йилда республикамиз марказий нашрларида чоп этилган туркум мақолалари фикр-мулоҳазалар тиниқлиги ва чуқур таҳлилга асосланган билан диққатни тортади.

Мазкур китоб Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, айниқса, журналистика соҳасига кириб келаётган ёшлар, олий ўқув юртларининг ушбу йўналишида таҳсил олаётган талабалар, шунингдек, илмий изланувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Уюшма кутубхонаси журналистика соҳасига доир илмий адабиёт намуналари, монография ва ўқув қўлланмалар билан бойиб бораётгани, иқтидорли журналистлар ушбу хазинага ўз ҳиссасини қўшаётгани эътирофга молик.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги “Renessans” кино уйида Жамоатчилик кенгашлари форуми ўтказилди. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва ташкилотларнинг жамоатчилик кенгашлари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Форумда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов иштирок этиб, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолияти, мазкур кенгаш ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича маъруза қилди.

Тадбирда “Жамоатчилик кенгашлари ва давлат органларининг самарали ҳамкорлиги”, “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари”, “Давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашда жамоатчилик кенгашларининг ўрни” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Бир қатор таклиф ва тавсиялар ўртага ташланган форумда кўтарилган масалалар бўйича иштирокчилар томонидан берилган саволларга масъуллар атрофлича жавоб берди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

МАШАҚҚАТЛАР ТЎФОНИДА

1-б.

Аввалига чор Россияси, кейинчалик большевиклар партияси сиёсати, аниқроғи, зуғуми остида озодлик, мустақиллик ҳақида гапириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмасди. Шу сабабли жадидлар бундай курашга, аввало, хонлигу амирликлар даврида ўзаро низолар туфайли пароканда бўлган миллатни маърифатга чорлашни тўғри йўл деб ҳисобладилар. Улар Самарқанд ва унинг атрофидаги мавзеларда замонавий илм берадиган мактаблар очишга, бу мактаблар учун алифбо ва дарсликлар ёзишга киришдилар.

Асосий зиёлилар ўзбек тили (ўрта турк шеваси)да чиқувчи “Самарқанд” (бу Морозов рус тилида чиқарган “Самарканд” эмас) газетаси таҳририяти атрофида бирлашдилар. Ҳар гал газета ёпилгач, янги номлар билан чиқаверган: “Hurriyat”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Камбағаллар ўқи” ва ҳоказо.

Самарқанд губернаторидан Маҳмудхўжа Беҳбудий “Самарқанд” газетасини ўзбек ва тожик тилида чиқаришга рухсат сўраган. Рухсат берилган, аммо тожик тилидаги газетага обуна уюштириш муаммо бўлган, шу сабабли газета чиқмай қолган. Ўзбек тилидаги газета мақолалари жиддий назоратда бўлган. Ана шундай пайтда Саидризо Ализода тожик тилида “Шўълаи инқилоб” журналини таъсис этган. У коммунист-большевиклар партияси вилоят кенгаши органи бўлган. Муаллифнинг 1919 йил 18 ноябрдаги маълумотига кўра, таҳририятда ўша пайтда муҳаррир 1200 рубль, адабий ходим 1100 рубль, мусаҳҳиҳ 1100 ва таржимон, экспедитор, ташувчи 100 рублдан маош олиб ишлашган. Четдан ахборот берувчиларга 1500 рубль ажратилган.

Дарвоқе, ҳужжатлар орасида коммунист-большевиклар партияси ишчи-батрак мусулмонлар вилоят бўлими котибининг хати ҳам чиқди. Унда котиб “Шўълаи инқилоб” журналини чиқаришга республика раҳбариятидан рухсат сўрайди. 500 нусха обуна уюштиришни ўз гарданига олади. Журналнинг биринчи сонини мусулмонлар байрами — 21 мартга чиқариш таклифини айтган.

Юқори ташкилот вакили Бородская 1919 йил 4 мартда компартия вилоят қўмитасига ушбуни молиявий қўллашни, журнал сиёсий йўналиши учун обком бўлим мудири масъул эканини таъкидлаб, розилик билдиради.

Бинобарин, Ализода имзоси билан тасдиқланган яна бир хатда Самарқанд уезди раҳбарига форс тилида чоп этилаётган “Шўълаи инқилоб” журнали чоп этилиши тўхтатилгани ва унинг сабаби айтилган, яъни:

1) обуначилар муддати тугагани, янги обуначиларни жалб этувчилар йўқлиги;

2) литография идораси томонидан муқова учун қизил рангли қоғоз берилмаётгани, берилган сариқ рангли қоғоз мақсадга мувофиқ эмаслиги;

3) ходимлар йўқлиги туфайли журналнинг тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ барча ишлар фақат муҳаррир зиммасида қолганлиги.

Бу ҳужжат 1919 йилнинг 30 октябрида имзоланган.

Яна иккита ҳужжат диққатимни тортди. 1919 йил 1 июлда Саидризо Ализодага берилган гувоҳномада унинг коммунистлар (большевиклар) партияси Самарқанд уезди, Боғишамол ва эски шаҳар умумий йиғилишлари 2-қарори билан 15 июндан эътиборан Самарқанд вилоят миллий масалалар бўйича бўлими форс бўлинмаси мудири этиб тасдиқлангани айтилган.

Иккинчи мандат 1919 йил 23 августда берилган. Унда Саидризо Алиев (Ализода) коммунистлар (большевиклар) Боғишамол район қўмитаси раиси сифатида вилоят партия қўмитаси конференциясига делегат этиб сайлангани қайд этилган.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: Саидризо Ализода коммунистлар партияси бўлимлари билан бамаслаҳат иш тутган бўлса, улар ишончига эришган бўлса, унда у нега “давлат душмани” сифатида қатағонга учради?

Ҳужжатларни ўрганиш давомида бу саволга жавоб топгандек бўлдик.

11705-ШАХСИЙ ИШ

ёки жадид Саидризо АЛИЗОДА ҳаётига оид янги маълумотлар

СЎРОҚСИЗ, ГУВОҲСИЗ, АСОССИЗ ҚАМОҚ

Бу ҳолатни бошқача изоҳлаб бўлмайди.

Бошқа жадидлар қатори Ализода ҳам ўз фаоллиги билан эл орасида танилиб қолганди. Тожик мактаблари учун алифбо ёзди, луғат тузди. Жаҳон классикларининг кўп асарларини тожик тилига ўгирди. Шунинг учун уни Тожикистон давлат нашриётига ишга таклиф этишди. Айниқса “Шўълаи инқилоб” журнали қисқа даврда оммалашди. Журнал иложсизликдан, маблағ йўқлигидан ёпилгач, Саидризо Ализода таржима билан шуғулланди, СамДУда дарс берди.

Надоматлар бўлсинким, ижоди гуллаган ана шундай бир пайтда уни 1938 йил 3 февраль куни “антисовет тарғиботи юритгани учун” қамоққа олишади.

“Ўрмонга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади” деганлари рост экан. “Шўълаи инқилоб” форс тилида чиққанлиги учун Саидризо Ализода журнални Эрон консули орқали форсийзабон мамлакатларга тарқатган. Мусабий, Мавбарий каби миллатпарварлар мақолаларини чоп этган. Гарчи бу мақолаларда ўша пайтдаги ҳукумат хавфсизлигига таҳдид бўлмаса-да, НКВДнинг гумонига биноан уни қамоққа олишган.

Бир ойдан сўнг уни Самарқанд НКВДси ички турмасига ўтказишган. Сўроғу текширишлардан натижа чиқмагач, ясама айблар қўйишган. 1940 йил 8 декабрда соғлиғи ёмонлашгани сабабли Самарқанд 2-умумий турмасига ўтказишган (дарвоқе, бу турма ўша пайтда ҳозирги вилоят кўп тармоқли шифохонаси жойида бўлган. **Ф.Т**).

Шу ўринда исбот учун бир ҳужжат мазмунини келтирамиз. Бу — Самарқанд 2-умумий турма бошлиғи томонидан Самарқанд вилояти давлат хавфсизлиги бошлиғи, давлат хавфсизлиги капитани Аслоникашвили (нусхаси вилоят прокурори ўринбосари Аҳмедов)га йўлланган билдирги. Унда таъкидланишича, бу икки ташкилот ташаббуси билан қамалган 8 нафар маҳбус, шулардан бири Саидризо Ализода муддати узайтирилмаган бўлса-да, турмада сақланаётгани айтилган.

Мана сизга инсон тақдирининг қиймати! Мана сизга коммунистлар тизимининг “қудрати”!

Шу ўринда бир гапни айтмоқ лозим. Буюк Британия давлати ўша даврда Ўрта Осиё, хусусан, Туркистон ўлкасини ҳам колония қилишга урунган. Инглиз разведкачиси Минелсон айнан шу иш билан шуғулланган. Бошқа зиёлилар қатори Ализодани ҳам қўлга олишга интилган. Бироқ Ҳиндистон ва Афғонистон зиёлилари, элчилари бизникиларга бу ишнинг оқибатини тушунтирганлар. Чунки улар Англия мустамлакасида эдилар. Натижада Минелсон Ализода бошига пул тиккан ва разведка йўли орқали СССР НКВДсига Ализода советларга қарши Ҳиндистон элчиси билан яширин алоқа қилаяпти деган маълумот юборган. Шу сабабли НКВД махсус колонияси бу жадид устидан ҳукм чиқарган.

Ниҳоят, 1942 йил декабрида суд ҳукмисиз уч йил турмада азоб чеккан маҳбус устидан суд эмас, балки СССР ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида кенгаш томонидан ҳукм ўқилади ва уни Россиядаги Сол-Илецк турмасига юборишади. Кўп ўтмай, август ойида Тобол турмасига ўтказишди.

“УРУШ ТУГАГУНЧА ТУРМАДА САҚЛАНСИН”

Тобол турмасида 1943 йил 4 февралда Саидризо Ализоданинг жазо муддати тугайди. Сибирь совуқларида ўпкасини олдириб қўйган жадид муҳаррир кун санаб келади. Бироқ НКВД турма раҳбариятига маҳбус антисовет тарғиботи учун қамалганлиги сабабли уни уруш тугагунга қадар турмада ушлаб туришни топширади. Ҳатто СССР НКВДси турмалар бошлиғи катта инспектори Скороходов номидан келган хатда бу ҳолатни маҳбуснинг ўзига тушунтириш кераклиги айтилади.

Шундай бўлади ҳам. 1944 йилнинг ноябрида Саидризо Ализодани Владимир турмасига олиб келишади. Руҳи сўнган, тақдирга тан берган жадид охирги умид билан уйдагиларга хат ёзади. Аммо бу хат манзилига етиб бормайди. Уруш тугагандан сўнг ҳам уни қўйиб юборишмайди. Ва... 1945 йилнинг 24 декабрида Ализода ўпка шамоллашидан вафот этади. 26 декабрь эрталаб соат бешда уни турма яқинидаги қабристонга тонгда дафн этдилар. Бу ҳақда зобит ва икки сержант имзо чеккан акт нусхаси ҳам бор.

Саидризо Ализоданинг 1945 йил 24 декабрда турмада вафот этганлиги ҳақидаги хабарни суюкли турмуш ўртоғи Мўмина ая, ўғиллари Тоғи Ризаевич, қизлари Хадича ва Саида опалар қандай кутиб олганини тасаввур қилинг. Шунинг учун ҳам уларнинг илтимосига кўра набираси Фарҳод ака бобосининг хокини Владимир турмаси ёнидаги қабристондан Самарқанддаги Панжоб қабристонига келтирди. Надоматлар бўлсинким, юқорида номлари келтирилган қариндошлари бу кунларни кўра олмадилар.

Владимир турмаси яқинда нашр қилган “Владимирский централ” катта китобининг беш саҳифаси С. Ализодага бағишланган. Охирги бандида “Ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси, рус адиблари асарларининг форс тилига биринчи таржимони, буюк жадид, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) авлодининг вакили Саидризо Ализода 1945 йил 24 декабрда вафот этди” деган сўзлар бор. Бу китоб айни пайтда С.Ализода уй музейида сақланаяпти.

КЕЧИККАН ОҚЛОВ

Сталин давридаги қатағон жараёни таҳлил қилиниб, танқидга учрагач, миллионлаб айбсиз айбдорлар қатори маърифатпарвар Саидризо Ализода ишига ҳам навбат келди. 1958 йил 16 январда Ўзбекистон ССР Олий суди судлов коллегиясининг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилди. Унда республика прокурорининг талабига кўра НКВД алоҳида кенгашининг 1941 йил 16 декабрдаги қарори асоссиз деб топилди.

Хусусан, Саидризо Ализоданинг 1931-1932 йилларда Самарқанд шаҳрида яшовчи эронийлар ўртасида колхозга кирмаслик, солиқ тўламаслик ҳақидаги тарғиботи исботланмаган. Унга таржимон сифатида “Овози тожик” газетасида биринчи май шиорларини беришда “Йўқолсин империализм!” ибораси ўрнига “Йўқолсин коминтерн!” деб қўйилган айб ёлғон бўлиб чиқди. Газетада бундай иборалар йўқ экан. Турмада бўла туриб, қариндошларига антисовет руҳидаги хатлар ёзгани ҳам исботланмаган. Судга таклиф этилган гувоҳлар айбни терговчининг ўзи ёзган ва мажбурлаб имзо чектирганини, Саидризо оға илмли, ватанпарвар эканини айтишди.

Суд тергов бирёқлама ўтказилгани, айблар исботини топмагани учун НКВД алоҳида кенгаши қарорини бекор қилди ва Саидризо Ализодани айбсиз деб топди.

Шуни яна алоҳида таъкидлаш жоизки, Шавкат Мирзиёев 2003 йилда Самарқандда вилоят ҳокими ва кейинчалик республикамиз Бош вазири бўлиб ишлаган вақтида жадид бобомизнинг 115 ва 130 йиллик юбилейларининг нишонланишида катта ёрдам кўрсатди. Бунинг учун алломанинг қариндошлари, барча юртдошларимиз, зиёлилар Давлатимиз раҳбаридан доимо миннатдордир.

Саидризо Ализода ҳақида ҳужжатли фильм олинди ва ушбу фильм ўша йили Канн кинофестивалида совринли ўринни олди.

...Тарихнинг ҳар бир куни, ҳар бир воқелиги биз учун сабоқдир. Хусусан, жадид боболаримиз фаолияти халқимизга маърифат ва ҳурлик йўлидаги курашнинг чинакам тимсоли ҳисобланади. Жадидчилик ҳам мамлакатдаги миллат уйғонишининг бир кўриниши эди. Зеро, у маърифатга, дунёвий илмларни чуқур ўрганишга, эркин яшаш истагининг қатъиятли бўлишига асосланган. Шу боис бу ҳаракат фидойилари ҳукуматнинг ҳар қандай тазйиқларига ҳам бардош беришган, миллат маънавиятини юксалтириш йўлида фидо бўлишга ҳам тайёр туришган.

Бундай ибрат, табиийки, бизни халқимизнинг жасоратли фарзандларидан ибрат олишга, бундай хислатларни ўзимизда шакллантиришга ундайди. Илм олишни, ўз доноларининг заковат ва ақли билан яшашни истаган миллат эса фаровон ҳамда эркин турмушга муносибдир. Саидризо Ализода ва миллатимизнинг бошқа фидойилари руҳи бизни доимо қўллаб турсин, уларнинг жойлари жаннатдан бўлсин.

Фармон ТОШЕВ,
“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририяти бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

ЭССЕ — КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Эссе — бадиий публицистиканинг ғоят муҳим, таъсирчан жанри. Шу маънода у адабиёт ва журналистиканинг ўртасида, ҳар икки томоннинг белидан маҳкам тутган ҳолда қаддини ғоз тутиб туради, бирини иккинчисига боғлайди, фикрни чархлаб, ёзилажак янги асарларга ҳамиртурушлик қилади. Машҳур романлар, қиссалар ёзиб, жаҳонга танилган адиблар кутилмаганда публицистик асарлар ёзишгани ва, аксинча, ижод суяги журналистикада қотган ҳамкасбларимиз вақти келиб, қисса ва романларга қўл уришганининг сабаби шунда. Соҳа мутахассислари сўнгги юз йилликда инсон маънавий-руҳий оламини тадқиқ этиш билан боғлиқ янги “уйғониш” фаслининг юзага келишида эссе ўзига хос катализатор ролини ўйнаганини эътироф этадилар.

Дарҳақиқат, XXI аср бўсағасига келиб, медиаборлиқ “эссечилик дардига чалинди”, бу жанр олам ва одамни, жамият ва шахсни англашга ёрдам берди. Шу боис у ўз ўқувчиларини топа олди. Эссе мухлислари шаклланди. Шу давр ва унинг яқин атрофида яратилган бир қатор машҳур эсселарда, масалан, Оноре де Бальзакнинг XIX аср француз ёзувчиларига мактуби, Жон Голсуорсининг “Адабиёт ва ҳаёт”, Лев Толстойнинг “Жим туролмайман”, “Иқрорнома”, Юхан Боргеннинг “Ёзувчи бўлмоқ нима дегани?”, Гоголнинг “Ал Маъмун”, Ян Парандовскийнинг “Сўз кимёси”, Фитратнинг “Шарқ сиёсати”, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Оврупо маданиятига бетарафона бир назар” асарларида тараққиётнинг бекиёс шиддати боис, одамларнинг онг-шуурида юз бераётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англаш, қиёсий таҳлил элагидан ўтказиш, ютуқ-камчиликларни адолатли баҳолаш, тарих ҳақиқатини тўла юзага чиқариш билан боғлиқ муаммолар ғоят таъсирчан, айни чоғда чуқур фалсафий идрок, бадиий тафаккур билан талқин этилганини кўрамиз. Бу асарлар айни шу фазилати билан китоб ўқувчиларнинг профессионал қисмини ўзига оғдириб олди. “Истеъмолчи”нинг борлиги бу жанрга бўлган талабни кескин оширди.

Публицистик асарда, хусусан, эсседа муаллиф бадиий талқин ва ифода усулларидан унумли фойдаланади: ижодкорнинг образли мушоҳадаси, ҳиссий, эмоционал туйғулари, ижтимоий-эстетик қарашлари, конкрет воқеликка нисбатан ижобий ёки танқидий муносабати бу жанрда эркин ифодаланади. Муаллиф гоҳ бирор воқеа-ҳодиса сабабчиси билан, гоҳ жамиятнинг маълум қатлами билан, кези келганда эса ўзи билан ҳам баҳслашади. Бундай ҳолатда публицистик асар ўқувчини фикрлашга, ижтимоий фаолликка даъват этади, муаллифнинг шахсий нуқтаи назари, ички “мен”и янада журъатлашади.

Ўзбек адабиётида шундай ўқишли, бақувват эсселар борми? Бор, албатта. Шукур Холмирзаевни “эссечилик касали”га биринчилардан бўлиб чалинган муаллифлардан десак, муболаға бўлмайди. Кейинроқ Абдусаид Кўчимов бу соҳада ҳам ўзини кўрсата бошлади. Унинг бир гуруҳ адибларнинг Аму қирғоқларига саёҳати ҳақидаги, Барот Бойқобилов, Азим Суюн, Рустам Обидга бағишланган эсселари бадиий саргузашт асардай ўқилади. Сафардошлар тилидан келтирилган мақолу матал, ўхшатишу сифатлаш, орттиришу бўрттиришлар шу қадар кўпки, халқнинг жонли, жозибали тили ўзининг бор нафосати, мафтункорлигини тўла очиб беради.

Шунингдек, Иқбол Қўшшаева, Шукур Қурбон, Шодмон Отабек, Умид Бекмуҳаммад ва бошқа фаол муаллифлар қаламига мансуб туркум эсселарда қаҳрамонларнинг характери, турмуш тарзи, ўй-фикрлари, амал қиладиган маънавий-ахлоқий принциплари уларнинг айрим “хос” жиҳатларигача қаламга олинади. Фикримизча, эссе бизни жуда узоқ давом этган, қон-қонимизга сингиб кетган бирёқлама таҳлил қолипидан, кўнгил тубига етиб бормаслик, кўнгилни англамаслик, ярим йўлга етиб-етмаёқ юзаки, ўринсиз хулоса чиқариш иллатидан қутқармоқда. Ҳаёт кўчаларини китобларда ёзилганидек ҳамиша равон ва ёруғ эмаслигини, унинг ногаҳоний зарба ва бурилишлари ҳар қандай одамни кутилмаган душворликларга гирифтор этиши мумкинлигини уқтирмоқда.

Эссе эркин композицияли асар, мазмунан ижтимоий, бадиий, фалсафий, тарихий, биографик, илмий-оммабоп ёки соф беллетристик характерда бўлиши мумкин. Ифода услуби образлилиги, жонли тилга яқинлиги, эркин (субъектив) мушоҳадалари, ҳис-ҳаяжон туйғуси, иқрор ёки раддиялари билан ажралиб туради. Севара Алижонованинг “Маҳкум саёҳати” эсселар тўплами китоб ҳолида чоп этилганидагина ушбу жанр ихлосмандлари унга жиддий эътибор беришди. Чунки ёш муаллифнинг кўнглида кундан кунга мураккаблашиб бораётган дунёвий воқеа-ҳодисалар моҳиятини, инсоннинг фавқулодда чигал оламини, ўзаро муносабатлар, унутилаётган ва урфга кираётган янги қадриятлар замирида ниналар борлигини англашга интилиш борлиги учун ҳам шундай бўлди. Севара эссечиликда деярли шаклланган услуб ва йўлдан осонгина юришни, қаламини койитмасликни эмас, туйғулари, ҳайрат ва изтироблари, гоҳо бугунча жўнроқ эшитилаётган овозини ифодалашда ўз йўли ва услубини топишга ҳаракат қилаётганини ўқувчи сезади, албатта. Фикримча, унинг “Сукунат шовқини”, “Бегемот ва мен”, “Маҳкум саёҳати” эсселарининг муҳим ютуғи шу. Аммо йўл топиш, бошқаларникига ўхшамайдиган овозга эга бўлиш осон эмас. Бундан ҳам оғири — эсседа муаллиф кўп ўринларда (туғён ва ҳиссиёт вужудини бутунлай эгаллаб олганида, идрок кўзлари нимадандир катталашиб қотиб қолганида ҳам) ўзини ўзи чекламаслиги, ўзи билан ўзи курашиб, бу жангда ғолиб бўлиши зарур. “Сукунат аллақачон орзуларга эврилган рўё. Шовқин ичидагина сукунатга эҳтиёж сезамиз, — дейди муаллиф ўзига хос овозда. — Шовқин мутлақ эркин, уни тутиб қутига жойлаб бўладимми?! У ҳамиша йўлда, унинг йўли ва манзилини ҳеч ким аниқлаган эмас. Буткул йўқ қилишнинг иложи қаерда? Шовқинни қабул қилмаслик учун эшикларни, қулоқларни ёпсак ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. У бизни аллақачон ўзига маҳкум этган, шу боис ундан қутулишни эмас, унга қўл беришни, англашни истаймиз. Шовқин мени ҳаракатга ундайди: гоҳ ташвишлардан фориғ этади, гоҳ хасталикка кўмиб юборади, гоҳ шоштиради, гоҳ таққа тўхтатади... не қилса ҳам тушунарсиз тарзда менга таъсир ўтказмай қўймайди. Борлиқни ва борлиғимни қуршаб олган шовқиндан қочолмас эканман, у билан келишаман. Аммо... шовқин мени бошқаришига йўл қўймайман...” Ёки “Эссе ҳақида эссе”сида “Кўнглимга таскин истасам, Навоийга юкинаман. Неча йиллардан буён ўзгармас ақида, “У мени тушунади, мен унда ўзимни топаман”, деган эътиқод бу. Мутолаага чоғланишим биланоқ, Ерга ўхшамас, буткул бошқа дунёда, кўзни қамаштирувчи кумушранг кенглик, оппоқ булут устида ўтиргандек бўламан. Мутолаа қанот, покиза руҳ, сакинат беради...”, дейди.

Севара Алижонова эсседа сўзлар, туйғулар воситасида китобхон билан ғойибона кўришув, жонли суҳбат, бугунги кун учун ғоят муҳим бўлган мулоқот заруратини кўради: “Эссе — исён, муаллифнинг мукаммалликка даъвоси, номукаммал дунёга зардаси, эссе яна — якун, тугал хулоса. Эссенависнинг ютуғи ҳам шунда, журналист ёки ёзувчидек хулосани ўқувчига қолдирмайди. Мавзуга ўз хулосаси билан нуқта қўяди. Ёки аксинча хулосаси маҳсули ўлароқ эссе яралади”, дейди ва Альбер Камюга юзланади: “Ижод — ваҳдадул вужудга интилиш, шу билан бирга мавжуд оламдан қочиш, уни инкор қилиш ҳамдир. Бироқ у оламда ўзлигини тополмагани, бу олам ўзлигига мос келмагани учунгина инкор қилади... Бугун инсониятнинг исёни машиналарда мужассамлашади, санъат ва санъат тарафида турган нарсаларнинг ҳаммасини у ишга халал берувчи тўсиқ-ғов, ҳатто қуллик аломати деб билади”.



Севара бутун умрини жадидларнинг аянчли тақдирини ўрганишга бағишлаган Шерали Тошматовнинг “Эрк қуши” романи ҳақида фикр юритар экан, ўзи таъкидлаганидек, мерган қиз Майна Ҳасановнинг 16 ёшида Бухоро амирининг баджаҳл амалдори Саид Валихон ҳарамини безашга мажбур бўлиши, жоҳил эрнинг тепкиси сабаб ҳомиласидан ажраши, хўрлигу азобларга дош беролмай эрини отиб ўлдириши, қулликдан қутулиб, оддий аскарликдан отлиқ аскарлар батальони командири даражасигача кўтарилиши, охир-оқибат босмачилар томонидан икки қўли, кўкраги, тили кесиб олиниб, ваҳшийларча ўлдирилиши ўқувчини ларзага келтиради. Ижод умрини таҳрир санъатига бағишлаган Маҳмуд Саъдий ҳақида сўз юритар экан, унинг “Муаллифларнинг айбини яширгувчи, хатоларини тузатувчи, хом-хатала қўлёзмаларни одамбашара қилиб китоб ҳолига келтирувчи “мардикор”лар ҳам керак-да! Мен ҳаётим мазмунини таҳрир санъатидан топдим”, деган сўзларини ёдга олади. Хуршид Дўстмуҳаммад билан қилган суҳбатидан қуйидаги парчани ўқувчиларига илинади: “Армонларимдан бири — мусиқий асбоблардан ҳеч қурса бирини чалишни ўрганмаганим, — дейди севимли адибимиз. — Мусиқа дидни тарбиялайди, ором беради, жунбишга келтиради. Мусиқани тушунмаган одам кўп нарсалардан бебаҳра қолиб кетади. Ҳар бир асарнинг ҳали яралмасидан ўз оҳанги, мусиқаси бўлади. “Ёлғиз” деб номланган асарим “Чўли ироқ” садолари остида яратилган”.

Чархпалагим чархпалак,
Айланасан мулойим.
Тўхтатолмай мен ҳалак,
Юргизганми Худойим.

Севара бу қўшиқда Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг серенадасини кўради: “Адиб ҳаёт манзарасини ҳам, моҳиятию ҳикматини ҳам чархпалакда деб билади. Чархпалакни яхши кўради. Унинг фалсафасича, ҳаёт тинимсиз ҳаракатдан иборат. Бу ҳаракатнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. Чархпалак донолик, донишмандлик, кўҳналик ва абадият рамзи”, дейди.

Ижодда ҳадсиз, машаққатли йўлга чиққан муаллифга омад тилаймиз, унга ишонамиз, умид қиламиз, чунки у ўзи танлаган йўлни моҳиятан чуқур идрок этади, бу йўлда ёлғиз эмаслигини тушунади. Мана, унинг фикрлари: “Эссе — тинимсиз ўйлаш, тафаккур қилиш, уни шахсий кузатув, тажриба ва кечинмалар чиғириғидан ўтказиб, оққа тушириш. Эссе — фалсафа, инсониятнинг азалий саволларига жавоб излаш, англанмаган, англаб бўлмас борлиқни англашга интилиш, инсоний қадриятлар, фазилат ва иллатларга муносабат, хайрихоҳлик ёки инкор фалсафаси. Эссе — озодлик. Қуйилиб келаётган фикрларнинг ўзанига сиғмай тошиши. Онгга назар, кўнгилга қайтиш. Қўркувни енгиш. Ўзингда кечаётган ҳолатни ўзгаларда такрорлаш, даъват. Марио Варгас Льоса айтганидек, “Адабиёт гўзаллик ва бахтга йўғрилган орзуларни уйғотиб қолмай, ҳар қандай шаклу шамойилдаги зулм-истибдод туғдирадиган хатардан огоҳ этади”.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

“Журналистлик тоши жуда оғир, нони ғоят қаттиқ...”

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ЎзА Бош директори, сенатор Абдусаид КЎЧИМОВ билан суҳбат

1-б.

Яъни, ёш авлод ўзидан улуғлардан ибрат олади. Айтишади-ку: “Игна қаерга юрса, ип орқасидан юради”. Дунё ахборот воситалари ниҳоятда ривожланиб, интернет сайтлари биринчи даражага чиқиб кетган бугунги кунда ёзма оммавий ахборот воситалари билан электрон оммавий ахборот воситалари ўртасида яхши маънодаги ижодий рақобат кучайди. Мана шундай шароитда ёзма учун ҳам, электрон учун ҳам устозлар ибрати, тажрибаси муҳим роль ўйнаяпти ва шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

“Электрон воситалар биринчи даражага чиқиб, ёзма оммавий ахборот воситалари ўляпти” ёки “улардан қайси бири қолади?” деган мунозаралар тинчигани йўқ, давом этиши табиий. Маълумотларга кўра, VIII асрда Хитойда биринчи марта газета ташкил қилиниб, императорнинг фармонлари, муҳим қарорлари қоғоз ўрнига тахталарга ўйиб ёзилиб оммага етказилган экан. Ундан кейин радио, сўнгра телевизор кашф қилинди, театр пайдо бўлди... Бугунги кунда электрон оммавий ахборот воситалари гуллаб-яшнамоқда. Энди юқоридаги саволнинг жавобига келсак, бугун электрон оммавий ахборот воситалари ўзидан ўн уч аср олдинги “аждоди”нинг ўрнини олиш, ўз фаолиятини янада гуллатиб яшнатиш учун курашяпти. Лекин радио пайдо бўлганда газета йўқолмади, телевизор газетага ўрнини бўшатиб бергани йўқ. Кинолар ва ҳоказолар пайдо бўлди, аммо газетанинг ўрнию аҳамияти заррача камаймади, бугун ҳам шундай. Демоқчиманки, инсон тафаккури ҳамиша ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайди. Муҳими, мана шу иккита тўлқин ўртасидаги воқеалар моҳиятини илғаб олиш; бу эса ҳар бир қабул қилувчи, яъни, истеъмолчининг қалбига, тафаккурига, дунёқарашига боғлиқ бўлади.

Бугун кўриб-билиб турибмиз, ёзма воситалардан ёшларимиз анчагина четлашаётгандай. Бундан ажабланмаслик керак. Сабаби, ўзимиз ҳам дунёда бўлаётган воқеалар билан ҳаммадан олдинроқ танишишни, кўришни ва муносабат билдиришни истаймиз. Шу маънода электрон оммавий ахборот воситалари чин маънода ўзимизга, турмушимизга ҳар жиҳатдан ёрдами тегадиган, керак бўладиган, хуллас, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Кўплар бир-бирига: “Кечқурун ҳам телефонни қучоқлаб ётсанг керак”, — деб ҳазиллашади. Бу ҳам табиий, моҳиятида ҳаётий заруратлар бор. Сабаби телефонда, яъни интернетда нафақат бугунги дунё воқеалари, балки тарих ҳам, улуғ файласуфлар, олиму уламолар ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар ҳам жамулжам. Биз ундан истаган пайтда истаган жойда фойдалана оламиз. Лекин масаланинг иккинчи жиҳати борки, ҳамма нарса, ҳатто асал ҳам меъёрида тановул қилингани яхши, ортиғи зарардир.

“Хўп, шунақа экан, ёзма матбуот яшаб қолиши учун нима қилиш керак? Яшаб қоладими?” деган саволни имконимиз қадар таҳлил қиладиган бўлсак, ёзма матбуот бир минг уч юз йилдан буён яшаб келаётган экан, демак, бундан кейин ҳам неча минг йиллар давомида яшайди. Лекин бунинг учун ҳар бир қаламкаш, ҳар бир журналист қалами, фикри, ақл-иқтидори билан унинг умрига умр қўшиши керак.

“Газеталарда шу мақсад қай даражада амалга ошяпти?” деган савол билан амалиётга юзлансак, босма нашрлар бугуни кун талабларидан орқада қолмоқда. Яъни, кўп газеталаримизда, асосан, бўлиб ўтган воқеаларни ихчам, анъанавий саёз шарҳлаш, ҳатто воқеалар шўро замонидан қолган усулда ёзилгани кузатилади. Газета тили деган бир ёзув одамни бездиради. Унда она тилимизнинг хушбўй нафаслари, гўзал шаклу шамойили, бетакрор оҳанглари сезилмайди. Бир қоп пуч ёнғоқдек шақир-шуқур қилади, лекин чақиб кўрсангиз, ичи бўм-бўш... Она тилимизни асраш, қадру нуфузини оширишга хизмат қиладиган манбалардан биттаси ёзма матбуот бўлиши; воқеликнинг ичига, илдизига кириб, унинг барча нуқталарини батафсил, дунёнинг бошқа воқеаларига таққослаб таҳлил қилиб бериши керак. Одамларнинг катта бир авлодида шунга эҳтиёж бор, лекин уни қондирадиган манбалар кўп эмас.

Айтайлик, вазирликларнинг барчасида матбуот котиблари бор. Уларнинг кўпчилиги ўтказиладиган тадбир, тақдимотлар олдидан тайёрланадиган “пресс-релиз”ни олиб, унинг бошини охирига, охирини бошига “ямаб” бир мақола ёзган бўлади ва эълон қилади. Бу ҳолни ҳамма билиб турибди, агар шунга бир марта индамасангиз, иккинчиси, учинчиси... яна ёнига қўшилади. Турли идораларда, мисол учун, 50 нафар журналист хизмат қилаётган бўлса, улардан 10 нафари гўзал ёзадиган бўлса, ўша ташкилотнинг бахти. Лекин қолганлари, истайсизми-йўқми, менинг гапим ёқадими-ёқмайдими, талаб даражасидаги журналистлар эмас. Шундай ҳолатлар негизи — хатоларга вақтида чора кўрмаслик.

— Устоз, интернет журналистларига эҳтиёж кундан-кунга ортиб боряпти. Ҳозирги замон миллий журналистикамизда, айтайлик, айнан интернет журналистикасида устоз ва шогирдлик анъанаси қай даражада?

— Ҳозирги пайтда бу масалага журналистлар ичида ёки таълим-тарбия даргоҳларигина эмас, давлат даражасида эътибор бериляпти. Бу ўринда муҳтарам Президентимизнинг шу йили Матбуотчилар байрами — 27 июнда чиқарган қарорларини назарда тутяпман.

Бу қарорда барча институтлардан ташқари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон” ва бошқа ўнга яқин газеталарда ҳам устозу шогирдлик анъаналарини расмий суратда давом эттириш вазифаси белгилаб қўйилган. Яна бир янгиликни жуда миннатдорлик билан айтишимиз керак: илгари хизмат кўрсатган журналист таклиф этилган жойларга бориб, борингки, маърузалар ўқиши, ҳатто дарслар ўтиши мумкин эди. Лекин унга оддий журналист сифатида қараларди. Президентимиз ҳозир уларнинг мақомини университетларда дарс берадиган доцент даражасига етказди. Устозлар ҳамиша шогирдларига чин юракдан, вақтларини аямасдан билганларини ўргатганлар. Ҳозир ҳам ўргатишяпти, лекин текинга эмас, профессор даражасида, доцент даражасида туриб сабоқ беряптилар. Шу имкониятдан қандай фойдаланяпмиз, натижа беряптими — мана шу томонини чуқурроқ, таҳлилий ўйлашимиз керак.

Биз кўпинча чет элларга бориб тажриба ўрганиб келайлик, деймиз. Яхши ният, лекин чет элда ҳамма ҳам қучоғини очиб тургани, қолаверса, бизга домлалик қиладиган одамлар тиқилиб ётгани йўқ. Ўзимизнинг тажрибали журналист, тажрибали ёзувчи, ижодкорларимиз, Худога шукур, бор. Шу ўринда биттагина устознинг номини айтаман, қолган устозларимизни, ҳамкасбларимизни камситмаган ҳолда. Мана шу ёзувчи, журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг журналистикага оид ёзганларидаги куюнчаклик ва тилга олинган фикрларни агар ёшларимиз қунт билан ўрганса, чет эллик журналистлардан ҳеч қачон ололмайдиган тажриба, касб сирлари, маҳоратини ўзлаштирса бўлади. Гап фақат устозда эмас, шогирдга ҳам боғлиқ. Шогирд шу йўлга кирдими, соҳага ўзини, жонини ҳам бағишлаши керак.

Шу ўқув йили бошида журналистика университети талабалари билан учрашувда ўрни келиб қолиб, устозимиздан эшитган гапни айтдим: “Журналист — энг бахтсиз одам”. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди, албатта. Кейин бу гапни тушунтиришга ҳаракат қилдим: “Устоз шуни назарда тутган эдики, журналист ўзининг бахтидан, вақтидан, ташвишларидан воз кечиб, бировларнинг ташвиши, дарди билан яшайди, бошқаларга бахт улашиш учун қалбиям, ўзиям тинмайди. Журналист, масалан, ноҳақликка учраган одамни ҳимоя қилиш, шунинг ҳақ-ҳуқуқини жойига қўйиш учун жону дили билан ҳаракат қилади. Бу жараёнда қанча калтак ейди, кимларга бориб нималар дейди, нималарга дучор бўлади — буни ўзи ва Худо билади. Адолат юзини очганда эса, куйиб-ёнишлари, ҳамма ташвишлари унутилиб, бахтли одамга айланади.

— Блогерлар бугунги кунда жуда фаол. Лекин улардан айримлари берган маълумотлар ёлғон, хато чиқиши оқибатида одамлар алданиб қолиб, профессионал журналистларга ишонч ҳам маълум даражада камайганини кўряпмиз. Нега профессионал журналистлар блогерлар каби тезкор эмас?

— Тасаввур қилинг, дарё тепадан оқиб келяпти. Ёмғир, сел келса, суви лойқаланади. Дарё суви йўл-йўлакай тиниб, уммонга етгунича топ-тоза бўлиши мумкин. Бу ўхшатишдан мурод нима? Бугун ахборотлар дарёси тўлиб оқмоқда, унда лойқа ҳам, хас-чўп ҳам бор. Дарё суви ҳар хил табиий офатлар, селлар, тошқинлар камайганда тинади ва тиниқади. Матбуот билан боғлиқ саволлар ечими ҳам шундай. Блогерлар кўпайгани ва улар матбуотда бирдан мустаҳкам ўрин эгаллаш йўлини топганини табриклаш керак, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунга сабаб — муҳит. Яъни дунё воқеалари бундан ўттиз-қирқ йил олдингига нисбатан уч-тўрт юз баробар тезлашиб кетди. Бу тезкор воқеаларни ёзма матбуотда биз ўрганган шаклда тезкор акс эттириш қийин. Чунки газета материаллари олдиндан ёзилади, тайёрланади, босмахонага туширилади, ўқилади, кейин босмадан чиқарилади.

Айтайлик, Европа мамлакатларида, Америкада ҳар куни икки-уч сони чиқадиган газеталар бор. Лекин улар ҳам бугунги шиддатли воқеаларни ёритишда блогерларга тенглаша олмайди. Блогер кўрганини, ҳатто икки дақиқа ўтмасдан, ижтимоий тармоқларда эълон қилиши мумкин. Бу ерда газетани айблаб бўлмайди. Блогерларга мана шу муҳит табиий йўл очиб берди, бу — хурсанд бўладиган воқеа. Лекин айни шу жараёнда, айрим ўринларда журналистика этикаси, одоби, талаблари деган масалалардан четлашиб кетилди. Айрим блогерлар қўйган постларни ўқиб... узр сўраб айтаман, улар орасида саводли, тил ва ёзув қоидаларимизга риоя қиладиган, фикрлайдиган, одобни жойига қўядиган, журналистика этикасига риоя қиладиганлари етарли, лекин етарли эмаслари ҳам керагича топилади.

Ёзма матбуот ҳужжат сифатида қолади. Блогер ёзгани эртага топилмай қолиши мумкин. Бояги ўхшатишимизга қайтадиган бўлсак, ҳаётий воқеалар селлар келиб, ёмғирлар ёғиб, момақалдироқ гулдураб турган пайтга монанд бўлганда, тезкор информацияга эҳтиёжманд аксарият одамлар унинг чала-чулпа, саводсиз тилда ёзилганига ҳам аҳамиятсиз бўлдилар. Шунинг учун хат, саводга эътибор бермайдиган блогерлар кўпайиб кетди. Ўзимиздан ҳам, ўқувчилардан ҳам хато ўтди. Яъни, “ҳурматли блогер” ёки “ҳурматли қаламкаш, шу воқеани бизга ўз вақтида етказганингиз учун раҳмат, лекин ўзимизнинг одатларни, тилимизни иззат қилинг-да, имло қоидаларига риоя қилинг, ука”, — демадик. Оқибатда тилга эътиборсизлик кучайди, ёзувни менсимайдиганлар пайдо бўлди, ёлғон билан обрў олишни шараф дейдиганларнинг кетмони учди. Бора-бора ёлғон ва хато ёзиш ҳам айрим кимсаларнинг тамагирликкача бориши чангида қолиб кетди, бундайларни қўштирноқ ичидаги “блогер” дейман. Энг ёмони, ўша тамагирлардан қўрқиб, уларни ўзига шотир қилиб оладиган раҳбарлар пайдо бўлди.

Агар вақтида ҳаммамиз бир бўлиб, темирни қизиғида босганимизда, яъни журналистга қўйилаётган талабларни блогерларга ҳам қўйганимизда, балки бундай бўлмасди. Ҳозир ҳам ҳеч иккиланмасдан айтаман, кўп раҳбарларимиз айрим блогердан кўнгли айнийди-ю... ўша блогерлар олдига бориб қолса, оёғининг тагига гилам тўшайди, лекин журналистга бундай илтифот кўрсатмайди. Нима учун? Чунки иззатини сақлаган журналист беодобчилик, юзсизлик қилмаслигини билади.

— Давлатимиз раҳбари жорий йил бошида миллий контент масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳозир оммавий ахборот воситаларида миллий контент яратиш борасидаги ишлар талаб даражасидами? Бу борада яна қандай долзарб вазифалар турибди?

— Фикримни ҳаётий мисолдан бошламоқчиман. Яқинда нуфузли одамлар иштирокидаги бир йиғилишда ўтириб аввал эътибор бермадим, лекин ўрталарига келиб, блокнотимга сўзловчилар нутқидаги хорижий сўзларни ёза бошладим. Бу сўзлар — маърузачилардан эшитганларимнинг бир қисми: “дальше”, “молодец”, “любой”, “канатка”, “нереальный”, “пробка”, “комплект”, “пакет”, “давай”, “так”, “как раз”, “документ”, “решение”, “шлагбаум”, “холодильник”, “кольцевой”, “товар”, “всё”, “уровень”, “канал”, “двигатель”, “реальный”, “реализация”, “бассейн”, “пожарный”, “детский”, “больница”... Бунақа сўзлар ўнлаб эмас, юзлаб.

Бунинг сабаби, юз йилдан зиёдроқ босқинчилар қўл остида яшаган бўлсак, ўша зуғум ва азоблар арқонини ҳали тўла узиб кета олмаяпмиз. Гарчанд чегарамиз, байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз аниқ ва ўзимизники, пулдан тортиб банкимизгача, тилу маънавий бойликларимизгача мустақил деб эълон қилганмиз ва мустақил бўлганмиз. Лекин шундай ҳолатлар борки, улардан узилиш қийин экан.

Президентимиз нега бугун миллий контент яратишни муҳим масала қилиб қўйдилар? Бунинг сабабини ўзимиздан, ичимиздан қидиришимиз керак. Бизнинг ичимизда Шўродан қолиб кетган кирлар ҳали турибди, биз уни ювиб ташлолмасдан беихтиёр ишлатяпмиз — бу биттаси. Иккинчи жиҳати — биз бугун ҳорижий тилларни ўрганишни мақсад қилиб қўйдик, бунинг учун катта имкониятлар яратилди. Бизнинг Миллий ахборот агентлигимиз ходимлари орасида инглизлар, араб, хитойликлар билан бемалол ўша миллат тилида гаплашадиган, ёзадиганлар бор-у... ўзбек тилини яхши билмайди, фожиа бу.

Биз қачонки ўз тилимизни юрагимизнинг энг тўрига ҳурмат билан ўтқазиб қўймас эканмиз, ҳеч қачон миллий контент деган нарса бўлмайди. Матбуотда бу соҳада жуда кўплаб материаллар чиқяпти, шу ерда профессор Қозоқбой Йўлдошев мақолаларини эслагим келди. Қозоқбой ака: “Нима учун, масалан, пойтахтда рус тилида ўқитиладиган мактаблар кўпайиб кетяпти, нима учун ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар унчалик эмас, нега?” деган ҳақли саволни ўртага ташлайдилар. Рус тилидаги, инглиз тилига ихтисослашган мактаблар кўпайишига ҳеч ким қарши эмас, ёшлар қанча кўп тилни ўрганса, шунча яхши. Лекин, аввало, ўзбек тилини яхши билишимиз керак, гап шу ҳақда кетяпти.

— Хабарингиз бор, 2019 йилда Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси қабул қилинган эди. Ҳамкасбларимиз касб этикаси кодексидан қай даражада хабардор ва унинг талаб, қоидаларига нечоғлик амал қилишяпти?

— Касб этикаси, бошқа этикалардан ҳам, аввало, хабардор бўлиш, уни ўрганиш, билиш ва моҳиятини қалбга сингдириш керак. Шунинг учун ҳар бир нарса, ҳар бир фандан биринчи навбатда хабардор қилинади. Журналист, аввало, ўз касби этикасини, ўз ташкилоти тавсия қилаётган, дўстлари кўриб маъқуллаган этика бандлари, талаблари нимадан иборат эканлигини яхши билиши, тушуниши керак. Республикамиз журналистларининг барчаси буни билади, хабари бор, деёлмайман. Балки, Журналистлар уюшмаси фаолиятида ҳаракатни кучайтириш керак бўлган нуқталардан биттаси шудир. Ҳар бир журналистга касб этикаси талаб ва қоидаларини электрон шаклда юбориш керак. Улар орасида: “Мана шунақа этикамиз бор, нима дейсиз шунга, сиз унга амал қиляпсизми? Яна қандай таклифларингиз бор?” деган сўровнома ўтказиш ҳам мумкин.

Мана, бугун кўпчилик блогерлардан хафа бўляпмиз. “Унга амал қилмайди, буни билмайди”, — деймиз. Аслида ҳам улар буни билмаслиги мумкин. Бугун айрим блогерлар ўзини журналистдан паст деб билмайди, баланд санайдиганлари ҳам бор. Демак, бизда номи икки хил — журналист ва блогер деб аталса-да, бироқ мантиқан илдизи битта, хизмат қиладиган объекти ҳам, вазифаси ҳам битта бўлган инсонларга қўйиладиган талаб ҳам битта бўлиши — Касб этикаси қоидаларидан улар бирдек хабардор бўлиши керак. Шу маънода мен худди Журналистлар уюшмаси сингари алоҳида блогерлар уюшмаси ташкил қилиш тарафдори эмасман. Ташкилот қанча кўпайса, масала шунча чигаллашади. Журналистлар, блогерларнинг ҳаммасини ҳозир мавжуд уюшма атрофига жамлаш керак. Саволингиз жавоби битта гап билан бўлмайди; ҳаётнинг ўзи бу масалани ўртага қўйиб, секин-аста ечимини топиш йўлларини ўргатиб бораверади.

Хуллас, ҳақиқий журналистларга ҳеч қайси замонда осон бўлмаган. Ҳар биримизнинг шахсий танловимиз, кўнглимиз иши, ўз хоҳишимизга кўра, қийин бўлишига қарамасдан, мана шу йўлни танлаганмиз. Журналист ҳаёти курашдан иборат, ўз фикримизни, маълумотимизни, ахборотимизни имкон қадар оқлашга ҳаракат қиламиз ва бу учун курашамиз.

— Афсуски, мана шундай курашувчан журналистлар, эътибор берсак, кўпинча танқидга учрайди. Айрим қони қайноқ ёш журналистлар танқидни тўғри тушунмайди, ҳазм қилишолмайди. Тажрибали устоз сифатида уларга қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Журналистика оғир, масъулиятли касб, деган фикрга мен ҳам қўшиламан. Лекин масъулиятли инсон учун енгил касб йўқ дунёда.

Баъзан менга шундай туюлади-да, бир-биримизга “ёзувчи ёки журналист Худо алоҳида меҳр билан яратган бир яратиқ” деган маънода таъриф бергандай бўламиз-да, тўғримас бу, ҳамма ҳам бир одам. Абдулла Қаҳҳор домла: “Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат”, — деганлар. Кейинги пайтларда учрашувларда кузатаман-да, ёш-ёш йигитлар минбарга чиқиб, халқ номидан гапира бошлаганда, баъзилар мийиғида кулиб ўтиришади.

Кўп одамлар ижодкор бўлиш ниятида юради, лекин ёзувчилик меҳнатига чидамайди ва умрини зое ўтказади. Демак, у бошқа йўлни танлаши керак. Бўлажак журналистлар билан учрашганда: “Агар журналист бўлмоқчи бўлсангиз, ҳаётингизни шунга бағишланг. Бундай қилолмасангиз, (улар учинчи курс талабалари эди), уч йиллик умрларинг зое кетса кетсин, бошқа касб танланглар. Акс ҳолда, келажакда бутун умрингиз бекор ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги имкониятларингдан фойдаланиб, тўғри йўлга тушиб олинглар. Қобилиятларингизга, қизиқишларингизга яраша касб танлашингиз керак”, — деган фикрни айтгандай бўлдим.

Журналистлик тоши жуда оғир, нони ғоят қаттиқ. Шунга чидаганлар журналист бўлади. Модомики шу касбни танладими, қийинчиликларига, калтакларига ҳам, роҳатига ҳам чидаши керак. Сиз мақтов ҳақида гапирдингиз. Биз бажарган ишимизга яраша бир оғиз ширин сўз эшитгимиз келади. Энди, агар бажарган ишингиз ҳақиқатан ҳам арзийдиган бўлса, одамлар: “Раҳмат қизим, раҳмат, синглим, отангга балли, барака топ!” — деган гапни айтади. Мақтов ва ундан кейингилари мукофотлар, орденлар ва ҳоказолар — одамнинг меҳнати баҳоси, эътирофи. Бундай мақтов ҳаммага керак.

Устозимиз Абдулла Орипов: “Агар одамлар мен эшитган мақтовларни эшитган бўлса эди, ҳозир уйини тополмай, кўчама-кўча дайдиб юрган бўларди”, — деган эдилар. Бу — мақтовни кўтариш ҳам осон эмас, дегани. Нима учун биз “ортиқча мақтов”, “мақтов одамни бузади” деймиз. Мақтов одамни бузмайди, мақтовни кўтара олмаган, ҳазм қила олмаган одам бузилади.

Бундай ҳол, айниқса, телевидениеда эфирга чиқадиган ёшларда кўп содир бўлади. Улар бир-икки марта эфирга чиққанидан кейин, албатта: “Кўрдик, жуда яхши олиб бордингиз”, — деб айтадилар. Бундан хурсанд бўлиш мумкин, аммо ҳовликиб кетмаслик керак. Баъзи ука-сингилларимиз табиатида бирдан ўзини даҳога айлантириб, бирдан бошқаларни менсимаслик, гапга қулоқ солмаслик, ўзини шу доирадаги энг ёрқин юлдуз деб ҳисоблаш ҳолатлари кўринади. Санъаткорлар орасида бунақа “юлдузлик”ка даъвогарлар кўп, улар тўғрисида кўрсатув ёки эшиттириш олиб борадиганларда эса ундан ҳам баттар. Кейинги пайтларда баъзи бир теле- ёки радиобошловчилардан кўра тўй олиб борадиганларнинг гапи мазмунлироқ бўлиб қолди. Ачинарлиси, телевидениени кўп одамлар кўради. Ҳозир айрим телебошловчиларимизда бошловчилик маданияти тамомила йўқолиб кетди. Мен бунга бир томошабин сифатида қаршиман. Илгари бир сўзни нотўғри талаффуз қилган бошловчи ёки диктор тартибга чақириларди, жазоланган вақтлари ҳам бўлган. Бу азбаройи шу одамнинг яхши-ёмонлиги деб эмас, уни кўриб турган минглаб, миллионлаб одамларга нисбатан менсимаслик, деб баҳоланган.

Ҳозир айниқса, хусусийлар, нодавлат телеканаллар орасида унча-мунчага парво қилмайдиганлар бор. Аммо биз нима бўлганда ҳам, ҳамма нарсани жой-жойига қўйишга мажбурмиз, уларниям мажбур қилишимиз керак, гап шунда.

— Устоз, кейинги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 55 фоизга ўсди, 400 га яқин янги интернет нашрлари фаолияти йўлга қўйилди, Миллий медиа майдонимизда ўзига хос рақобат юзага келди. Сизнингча, айни рақобатга босма оммавий ахборот воситалари қай даражада бардош беряпти?

— Рақобат бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди. Бошқа соҳаларда ҳам шундай. Ёзма матбуот билан электрон оммавий ахборот воситалари ўртасида рақобат ҳам шиддат билан давом этяпти. Қанийди, ана шу икки воситани икки дарёга қиёсласак, икки дарё қўшилиб оққанда, уларнинг атрофдаги дарахтларга, тупроқ, ўт-ўланларга фойдаси икки баробар ошгани каби, босма ҳамда интернет нашрларининг рақобати мақсади, интилишлари бир ўзанга тушса, одамларга, жамиятга фойдаси беқиёс бўлар эди.

Бугун ёзма матбуот, электрон оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, ўзига мос ва хос ишлар қилиши кераклигини тушунди. Кўп газеталарда ярим саҳифа, бир саҳифа материаллар, мақолалар босилади. Буни интернет бермайди, берганда ҳам биров ўқимайди, чунки одамлар интернетдан ихчам, қисқа, лўнда, тезкор материалларни ўқишга ўрганишди. Изланувчан босма нашр жамоалари бошқа йўналишда, бошқа нигоҳ билан, электрон воситаларда ёритилмаётган, ёритилиши қийин бўлган, у ерда ёритилса ҳам биров қўрмайдиган, ўқилиши қийин бўлган масалаларни, мавзуларни ўқувчиларга етказишга интилмоқда. Одамлар бошқа жойлардан топиши қийин бўлган ва бу усулда таҳлил қилинмаган, таҳлили ҳам қийин бўлган масалаларни ёритмоқда. Бу ёзма матбуотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш йўлидаги ҳаракатларнинг дастлабки қадамлари, менимча. Ижобий маънодаги рақобат бардавом бўлсин.

— Айтганингиз келсин. Энди, бугунги кунда жаҳон медиа бозорида ўзбек миллий журналистикаси ўрнини қандай баҳолайсиз, унинг истиқболидан қандай умидларингиз бор?

— Дунёда ҳамма оммавий ахборот воситаларини тарозига соладиган бирорта ташкилот йўқ. Масалан, энг ривожланган деганимиз Американинг матбуоти, ёнимиздаги Россия матбуоти қандай? Уларни илдизи билан таҳлил қиладиган ҳеч қандай ўлчов йўқ. Аммо атрофдаги ёзувлардан, айтиладиган гаплардан хулоса қилсак, ҳар бир матбуот ўз миллати, давлати, халқига хизмат қиляпти. Айтайлик, Америка журналисти Ўзбекистоннинг бахти учун ёки ўзбек халқининг фаровон келажагини кўзлаб мақола ёзмайди. Чунки у муаммоларимизни биз билганчалик англамайди, тушунмайди, шу сабабли холис ва тўғри ёритмайди, бу уларнинг вазифасига ҳам кирмайди.

Газеталаримиз адади бир пайтлардагига нисбатан жуда пасайиб кетган бўлса ҳам, ўзбек матбуоти вазифасини бажариб, ўрнини эгаллаб турибди; халқимизнинг ишларини, муаммоларини баҳоли қудрат ёритаяпти. Яхши ёритаётган газеталаримиз ҳам жуда кўп. Худога шукур, муаммоларни тушуниб, жони ачиб, уйқусидан воз кечиб масалани илдизигача очиб беришга тайёр журналистларимиз ҳам оз эмас, биз бундан фахрланишимиз керак. Ўзбек матбуоти ўз овози, сўзига эга; ўз олдига қўйилган вазифаларини яхши бажараяпти. Тўғри, камчиликлари бор, зеро, беайб — Парвардигор. Асосийси, халқимиз ташвиши, қувончи, орзу-истакларини холис ёритаётган бўлса, шу матбуотга шон-шарафлар бўлсин, дейиш керак.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Мен журналистларнинг ёнидаман”, “Сизлар менга ишонинглар”, — деяптилар, нима учун? Чунки ҳали бизда журналистнинг тўғри гапини очиққўнгиллик билан холис қабул қиладиган одамлар, минг афсуски, кўп эмас. Айниқса, ўрта бўғин ва маълум бир даражадаги раҳбарлар ичида. Яқинда бизнинг Ахборот агентлигимиз мухбири ёзган тўғри гапи учун олти-етти ой давомида жуда азият чекди, ўзи қолиб болаларига, қариндошларигача турли йўллар билан тазйиқлар бўлди. Лекин қараб турмадик, курашдик, ҳақиқатни охирига етказиш йўлларини топишга ҳаракат қилдик ва бунга эришдик. Журналист ҳақ эканлигини таъминладик. Мен битта нарсани айтаман-да, агар сенга нисбатан танқиднинг 90 фоизи туҳмат бўлса-ю, 10 фоизи рост бўлса ҳам, шуни айтган одамни ҳурматлаш керак, чунки у сен хатолардан холис бўлишингни истайди.

— Абдусаид ака, касблар чорраҳасида журналистликни танлаб турган ёшлар орасида катта ғайрат, шижоат билан шу соҳада жонбозлик кўрсатишга, матбуотда ўз номлари, ўринларига эга бўлиб, халқ ишончи ва меҳрини қозониш ниятида ўқиб, ёзиб, изланаётганлар оз эмас. Журналист қачон машҳур ва севимли бўлади?

— Мен Ўзбекистон журналистикасида ёшлар тўлқини мавж уриб келаётганини кузатиб, фахрланиб турганлардан биттасиман. Ёшларимиз орасида (ижодида тил ва таҳлил йўналишида камчиликлари бўлишидан қатъи назар) шу касбга ишонч билан ҳаётини боғлаган қаламкашлар бор. Улар келажакда бугунги оқсоқолларимиз, олдинги ўтган устоз журналистлар каби юксак даражаларга, катта иззат-икромга эришишига ишонаман. Фақат бунинг битта талаби бор: кимки меҳнатдан, учраши мумкин тўсиқлардан, ҳар хил кутилган ва кутилмаган воқеа-ҳодисалардан, ҳатто мақтовлардан ҳам ўзини ҳимоя қила олса, ҳеч қачон изланишдан тўхтамаса, албатта, мақсадига етади. Энг муҳими — қалбдаги юксак эътиқод. Халқимиз, Ватанимиз озодлиги, ободлиги, фаровонлиги барқарор бўлишига ҳисса қўшишга чин маънода камарбаста инсон доим элу юртга севимли бўлади.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Наргиза АЗИЗОВА суҳбатлашди.

ХОРИЖ

АҚШДА ТУҒИЛГАНЛАРГА ФУҚАРОЛИК БЕРИШ ТАҚИҚЛАНАДИМИ?

АҚШнинг янги сайланган президенти Дональд Трамп 2025 йил январь ойида лавозимига киришгач, АҚШда туғилган хорижликларга фуқаролик беришни тўхтатмоқчи. Бу ҳақда “NBC News” хабар берган.



Трампнинг сўзларига кўра, ҳозирги тизим ноқонуний миграцияни рағбатлантиради ва ижтимоий хизматларга юкламани орттиради. Шу сабабдан у АҚШ фуқароси бўлмаган ота-оналардан туғилган болаларга фуқароликни автоматик беришни тўхтатадиган фармон чиқармоқчи.

Тегишли режага қаршилар ҳам бор. Улар қонун ўзгариши конституцияга зид бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. Чунки АҚШ Конституциясига киритилган 14-тузатиш мамлакат ҳудудида туғилган барча шахсларга фуқаролик ҳуқуқини беришни назарда тутади.

Мутахассисларга кўра, тегишли ҳуқуқни бекор қилиш нафақат президент фармонини, балки Конституцияга ўзгартириш киритишни ҳам ўз ичига олган мураккаб ҳуқуқий ва қонунчилик далилларини талаб этади.

“TIME” ЖУРНАЛИ “ЙИЛ ОДАМИ” НОМИНАЦИЯСИГА НОМЗОДЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Рўйхатга қуйидаги шахслар киритилган:

– АҚШ вице-президенти Камала Харрис;

– Уэлс маликаси Кейт Миддлтон;

– Тадбиркор Илон Маск;

– Алексей Навальнийнинг беваси Юлия Навальная;

– Исроил бош вазири Бинямин Нетаняҳу;

– АҚШ Федерал захира тизими раиси Жером Пауэлл;

– Подкастер Жо Роган;

– Мексика президенти Клаудия Шейнбаум;

– АҚШ бўлажак президенти Дональд Трамп;

– “Meta” бош директори Марк Цукерберг.

Журнал Илон Маскка бағишланган аннотацияда бизнесменни 2024 йилда “сиёсат оламига қадам қўйган дунёдаги энг бой одам” деб атаган бўлса, Бинямин Нетаняҳуни “бу йилги дунёдаги энг кучли ва зиддиятли лидерлардан бири”, Юлия Навальнаяни “Россия мухолифатининг биринчи хоними”, Дональд Трампни эса “жиноятда айбдор деб топилган биринчи сайланган президент” дея баҳолаган.

“TIME” нашри жорий йилнинг 12 декабрь куни ўзининг “Йил одами”ни эълон қилади.

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯДАН ПАНОҲ ТОПДИ



Сурия президенти Башар Асад ва унинг оиласига Россияда бошпана тақдим этиш қарорини Владимир Путин қабул қилган. Бу ҳақда РФ президентининг матбуот котиби Дмитрий Песков маълум қилган.

Шу орқали у жорий йилнинг 8 декабрь куни Сурияда ўз режими қулаган Асад Москвага учиб кетганини тасдиқлаган. Песков Башар Асад ҳозир қаерда экани тўғрисида журналистларга маълумот бера олмаслигини ва Путиннинг расмий жадвалида у билан учрашув кўзда тутилмаганини билдирган.

Шунингдек, у Кремлнинг Асадга Россиядан бошпана берилгани бўйича расмий баёнот билан чиқиши “мутлақо кераксиз” эканини таъкидлаган. “Биз бунга мажбур эмасмиз”, — деган матбуот котиби.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

УЧ АВЛОД ИБРАТИ

(Ашуровлар сулоласи ҳақида сўз)

Тошкентдан Наманганга сафарга чиқсангиз, Қамчиқ давонидан тушгач, Поп тумани ҳудудидан ўтганингиздан сўнг Чустга кириб борасиз. Тан олиш керак, бугунги Чуст таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Туман ҳудудида катта-катта саноат корхоналари бунёд этилибди.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлса-да, Чуст ҳамиша кўҳна ва навқирон. Фарғона водийсининг ҳунармандчилик ривожланган энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Чуст дўппиларининг ҳам, пичоқларининг ҳам донғи узоқларга кетган.

Иймон-эътиқодли, олим-зиёли, сахий-саховатлилар қай маконда кўп бўлса, шу жойларнинг таровати ҳам бошқача бўлади. Чуст ҳам шундай мўътабар гўша бўлиб, бу туманда узоқ йиллар эл-юрт хизматини қилиб қадр топган азиз инсонлардан бири Муроджон ака Ашуров бўлади.



СУРАТДА: ***“Чуст ўрикзор” фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Ашуров.***

Ашуровлар сулоласини нафақат Чустда, балки Наманган вилоятида ҳам кўпчилик яхши билишади. Журналистлик касбим туфайли Муроджон ака билан ўттиз йил аввалроқ танишганман, у киши ҳақда бир нималар ёзганман.

Эски қадрдонлик меҳри туфайли Муроджон акани яна йўқлагим келди. Бу ҳақда бир пайтлар шу туманда ҳоким бўлиб ишлаган, ҳозирда Президент Халқ қабулхонаси Наманган вилояти бўлими мудири Баҳодир ака Юсуповдан Муроджон ака билан боғланишга ёрдам беришини илтимос қилдим.

Баҳодир ака Муроджон Ашуров ва унинг фарзанди — ёш бўлса-да тадбиркорлиги билан Президентимиз назарига тушган Умиджон Ашуров ҳақида мақола ёзсангиз яхши бўларди, деган таклифни айтди.

“Бибиона” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Чуст ўрикзор” фермер хўжалигида бизни Умиджон Ашуров кутиб олди. Қишлоқ фермерининг биноси ҳашаматли ва фусункор экани билан эътиборимни тортди. Чет эллик ҳамкорларни ҳам қабул қилишга мўлжалланган залда ўзимизни худди пойтахтдаги йирик компания қабулхонасига киргандек ҳис қилдик.

Ҳамкорлар билан шартномалар тузишга мўлжалланган стол-стуллар, юмшоқ мебеллар дид билан жойлаштирилган. Зал тўрида кўп тармоқли фермер хўжалиги таркибидаги корхоналарга берилган халқаро сертификатлар териб қўйилибди. Деворда эса маҳсулотлари қайси давлатларга экспорт қилинаётгани ҳақидаги харита ва маълумотлар илинган.

Наманганликларда ажойиб бир хислат бор. Уларда ўз вилоятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан фахрланиш туйғуси кучли. Хизмат сафарим чоғида қайси идорага кирган бўлсам, деярли ҳамманинг иш столи устида “Чортоқ” шифобахш суви. Меҳмонга, албатта, бир пиёла сув билан илтифот қилинади.

Умиджон ҳам бир пиёла “Чортоқ” сувидан қуйиб узатди. Муроджон ака билан қадрдон дўстлигимизни эшитиб хурсанд бўлиб, отасига қўнғироқ қилди.

Ўн дақиқа ҳам ўтмай хонага Муроджон ака кириб келди.

— Э, бормисиз? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, – дея у қучоқ очиб сўрашди. — Наманган томонларда камнамо бўлиб кетдингиз, кўрганимдан жуда хурсандман.

Муроджон аканинг юз-кўзидан мўйсафидлик нафаси уфуриб, оқ оралаган сочсоқоли ўзига ярашиб турибди. Ундаги самимийлик ўша-ўша, аввалги навқиронлик даврларидаги ғайрат-шижоати ўрнини оғир-вазминлик, мулоҳазалилик, ҳикматли мулоқот ва исломий тавозе эгаллабди. Ҳавасим келди.

Аввал ҳам бу ҳақда ёзганимдек, Муроджон акага сахий қўллик, очиқ кўнгиллик, ширинсуханлик, хуш улфатлилик отасидан ўтган экан.

Отаси раҳматли Сайфулло Ашуров ўттиз йил туман пиллахонаси мудири бўлиб ишлаган чоғларида кўпчиликка яхшилик қилар экан. Чустлик кексаларнинг эслашича, унинг ҳузурига келган бирор киши ноумид қайтмаган.

— Раҳматли онам Тўхтаби бадиий буюмлар фабрикасида узоқ йиллар ишлаб обрў топган эди, – деб эслайди Муроджон ака. — Дўппи тикадиган қўли гул чевар аёл бўлган. Чуст дўппилари довруғини оширишда менинг онамнинг ҳам хизмати катта бўлган деб фахрланиб юраман.

Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишни яхши кўришимни Муроджон ака яхши билади. У мени “Бибиона” зиёратгоҳига олиб борди. Зиёратгоҳда учта булоқ бор. Узоқ-яқиндан келадиган аҳоли ўзларича ихлос билан бу даргоҳни зиёрат қилишади. Зиёратгоҳ ҳақида келганларга эшитган-кўрганларини сўзлаб берувчи онахонга юзландик.

— Булоқлардан бирининг суви билан ювсангиз, юзингиздаги ажинлар йўқолиб, юзингиз яшариб кетади, деган ишонч билан зиёратчилар келишади, – деди Роҳатой опа Ҳакимова.

Кўринишидан олтмишнинг нари-берисида деб ўйлаган онахоннинг ёши етмиш бешда экан. Унга: “Жуда ҳам ёш кўринар экансиз”, десак, “Булоқ суви шарофатидан бўлса керак”, деб жавоб қилди...



СУРАТДА: ***Наманган вилояти хокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдураззоқов (чапда) экспорт бўйича қўлга киритган ютуқлари билан ёш тадбиркор Умиджон Ашуровни қутламоқда.***

Зиёратгоҳдан қайтар чоғи Муроджон ака: “Ёзиладиган мақолангизда устозимни ҳам эслаб қўйсангиз”, деб илтимос қилди.

— Асли Самарқанднинг Булунғурида туғилган Неъмат Бутунбоев ўқишни битиргач, йўлланма билан туманимизга ишга келади, – дея ҳамроҳим ҳикоясини бошлади. сўраб Неъмат Бутунбоев ҳузурига бордим. Мен билан суҳбатлашиб бўлгач, бош ҳисобчини чақириб: “Ёш мутахассис экан, шу йигитни ишга олайлик”, деди. Бош ҳисобчи эса ҳисоб-китобни эплолмайди деб мени ишга олишга рози бўлмади. Шундай бўлса-да, раис қатъий қилиб: “Билмаса, ишни ўргатасиз, ҳамма ҳам тайёр ҳисобчи бўлиб туғилмайди”, деб мени ишга олганди. Тақдирни қарангки, уч ойдан кейин мен бош ҳисобчи ўрнига тайинландим. У эса оддий ҳисобчи бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, кек сақламасдан у кишига қўлимдан келганича меҳрибончилик қилиб юрдим. Насиба қўшилган экан, туман, шаҳар матлубот жамиятларига раис ҳам бўлдим. Худди ўз жигаридек кўриб менга меҳр-шафқат кўрсатган, касб сир-синоатларини ўргатган устоз Неъмат ака Бутунбоевнинг жойлари жаннатда бўлсин...

“Чуст-ўрикзор” фермер хўжалигига қарашли корхонага ўғли Умиджон Ашуров етакчилик қилади. Корхонада дуккакли маҳсулотлар сараланиб, қайта ишланиб, чет элларга экспорт қилинмоқда. Ой сайин экспорт салоҳияти ва географияси кенгаймоқда. Айниқса, вилоятда ва қўшни минтақаларда етиштирилган мош маҳсулотлари қабул қилиб олингач, чет элнинг илғор технологик ускуналарида хомашё қайта ишланиб сараланади, ёрма ва ун ҳолатига келтирилгач, қадоқланиб четга экспорт қилинади.

Тайёр мош маҳсулотлари илк маротаба Ҳиндистонга жўнатилган бўлса, бугунга келиб Хитой, Малайзия, Индонезия ҳамда Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

— Яқинда ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди, – деди Умиджон Ашуров. — Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурида ёш тадбиркорлар қаторида экспорт масалаларига бағишланган йиғилишда иштирок этдим. Бу тарихий воқелик менга таърифлашга сўз етмайдиган даражада ғурур бағишлади.

Ватанимиз экспорт салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Шунинг баробарида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун бор куч-ғайратимни, илм-заковатимни сарфлашга азму қарор қилганман.

...Чустдан қайтар чоғим Умиджоннинг бир каломи юрагимни кундай ёриштириб юборди. “Бахтимизга отам-онам соғ бўлсинлар. Нимага эришган бўлсам, уларнинг панд-насиҳатлари, йўл-йўриқлари, дуо-илтижолари билан Аллоҳнинг меҳрибончилиги туфайли эришдим...”, – деди у.

—Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг ўғлон!,– дедим унга ҳавасим келиб.

Ҳа, юртимизда Ашуровлар сулоласи каби ҳавас қилса арзийдиган инсонлар кўп. Омадларини берсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.





МУЛОҲАЗА

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ КЕРАКМИ?



Бугунги кунда сунъий интеллект технологиялари ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларига кириб келмоқда. У соғлиқни сақлашдан тортиб таълимгача, ишлаб чиқаришдан қишлоқ хўжалигига қадар кенг кўламда қўлланмоқда. Лекин кўпчилик одамлар учун ҳали ҳам савол очиқ: бизга сунъий интеллект керакми? Бу технологиянинг ўзига хос томонлари ва афзалликлари билан бирга, хавотирлари ҳам мавжуд. Қуйида ушбу технологияларнинг аҳамияти, фойдаси ва хавф-хатарлари ҳақида батафсил фикр юритамиз.

Сунъий интеллект бизнинг ҳаётимизни қулайлаштирувчи ва самарадорликни оширувчи технологиялардан биридир. Унинг баъзи асосий афзалликларини қуйидагича санаб ўтиш мумкин:

— Иш жараёнини тезлаштиради

Унинг алгоритмлари катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа вақт ичида таҳлил қилиши ва натижалар бериши мумкин. Масалан, тиббиётда диагностика қилиш жараёнида AI касалликларни аниқлашда анъанавий усулларга қараганда тезроқ ва аниқроқ бўлиши мумкин.

— Ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради

Сунъий интеллект ёрдамида саноат ва ишлаб чиқариш жараёнлари оптималлаштирилиши, энергия ва ресурслар тежаб ишлатилиши мумкин. Бу эса иқтисодиёт ва экология учун катта фойда келтиради.

— Инновациялар учун янги имкониятлар яратади

AI инсониятга илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган янги технологияларни ривожлантириш имконини беради. Масалан, автоном автомобиллар ёки ақлли шаҳарлар концепциялари сунъий интеллектнинг амалий ишланмалари ҳисобланади.

Технологиянинг ривожи билан бирга, сунъий интеллектнинг хавфлари ҳам ортиб бормоқда. AI хавфсизлик, махфийлик, ахлоқий масалалар ва иш ўринлари каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан:

— Иш ўринлари камайиши

Сунъий интеллект ва автоматлаштириш кўплаб касбларни автоматлаштиришга олиб келади, бу эса айрим иш ўринларининг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, оддий механик ишлар билан шуғулланувчи ишчиларга таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори.

— Маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлиги

AI маълумотларга асосланган ҳолда ишлайди, бу эса шахсий маълумотларнинг ҳимоя қилиниши муаммосини келтириб чиқаради. AI тизимлари бузилганида ёки нотўғри маълумотлар билан ишлаганда жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

— Ахлоқий ва ҳуқуқий муаммолар

AI қарор қабул қилишда инсон ҳиссиётларига ва ахлоқий қадриятларга эътибор бермайди. Масалан, ҳукуматлар ёки корпорациялар AI ёрдамида кузатув тизимларини кучайтириши, бу эса шахсий эркинлик ва махфийлик масалаларини жиддий савол остига қўйиши мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари самарали ва хавфсиз ишлатилиши учун уни бошқариш муҳим. Бу борада мутахассисларнинг бир нечта тавсиялари мавжуд:

AI билан боғлиқ ҳуқуқий ва ахлоқий муаммоларни бартараф этиш учун аниқ қоидалар ва стандартлар ишлаб чиқилиши керак. Бунда ҳукуматлар, технология компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўзаро ҳамкорликда ишлаши зарур.

Албатта, у билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда шаффофлик муҳим аҳамиятга эга. Бу эса жамоатчиликнинг AI жараёнларига ишончини оширади ва технологиянинг нотўғри ишлатилишининг олдини олади. Бундан ташқари, унинг технологияларини инсоний қадриятларга мос равишда ривожлантириш муҳим. Инсон ҳаётига бевосита таъсир қиладиган қарорларда инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаши керак.

Сунъий интеллект, шубҳасиз, келажакка йўл очувчи технология. У ҳаётимизни янада қулайлаштириши ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Аммо уни ривожлантириш ва қўллашда масъулиятни унутиб бўлмайди. Сунъий интеллектнинг келажаги инсониятнинг унга қандай ёндашишига, уни қандай бошқаришига боғлиқ. Тўғри бошқарилган сунъий интеллект — бизга керак, лекин уни эҳтиёткорлик билан ва ўз ўрнида ишлатиш шарт.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

ҚИЛМИШ

ТУҒИЛМАСДАН СОТИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

Анча вақтдан буён хуфиёна учрашиб юрган Азизанинг Тўлқин билан турмуш қуришга кўнгли бор эди. Аммо юборилган совчиларга унинг ота-онаси: “Тўлқин тутуриқсиз бола, қизимга тўғри келмайди”, деб розилик беришмади. Тўлқин: “Фақат сени деганман”, дея Азизани ишонтириб, иккови биргаликда уйларидан — Олтинсой туманидан бошқа жойга қочиб кетишга кўндирди. Улар Шўрчи шаҳрида истиқомат қилувчи Асия деган бир татар аёлнинг уйида қўним топишди — ижарада туришга келишишди.

“Биз эр-хотинмиз, шаҳарга ишга жойлашдик, сизникида яшаб турайлик”, дея татар аёлни ишонтиришди. Аммо кўп вақт ўтмасдан, ишсиз юргани учун иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган Тўлқин Азизага дабдурустдан:

— Мени кутиб ўтирма, бу ёғига ўз кунингни ўзинг кўравер, — деди-ю, мардикорчилик қилиш учун Россияга жўнаб кетди.

Азиза турган жойида тарашадек қотиб қолди. На Олтинсойга — ота-онасининг уйига бора олади, на бошқа қариндош-уруғиникига. “Ота-она розилигисиз уйдан қочиб кетган ўзбошимча қизнинг жазоси шу! Баттар бўл!..” дея ўзини ўзи қарғаб-қарғаб, боши оққан томонга чиқиб кетди. Йўл-йўлакай Узун туманида яшайдиган Муҳаббат исмли аёл билан танишиб, бутун дардини унга тўкиб солди.

— Сенга жуда қийин бўлибди-да, — дея Муҳаббат унга ачинди ва юпатишга чора топди. — Жарқўрғонга борайлик. Шарофат деган танишим бор. Унинг ошхонасига ишга жойлаб қўяман. Ҳам ишлайсан, ҳам яшашга жой қилиб беришади.

Автобусдан тушиб ошхонага боришгач, Муҳаббат ичкарига “Шара” деб овоз берди. Таниш овозни эшитиши биланоқ ичкаридан чиққан аёл: “Ия, Муха! Сени қандай шамол учирди?” деб у билан апоқ-чапоқ тарзда кўришди.

— Шара, кароче, шу қизни ташлаб, эри Россияга “чизиб” юборибди. Кўряпсанми, ҳомиладор экан. Бирор енгилроқ иш топиб бериб, қарашиб тургин, савоб бўлади, — деб Азизани унга топширди-да, ўзи қайтиб кетди.

— Ошхона ўзингизникими? — дея бошпана топилганидан хурсандчилигини яшироллмай сўради Азиза Шарофатдан.

— Йўқ. Ошхона Сайёра деган аёлники, биз эрим Музаффар билан уни ижарага олиб ишлатяпмиз.

Азиза шу куниёқ ишга киришиб кетди. Қисқа вақтда Шарофат билан опа-сингилдек бўлиб қолди. Аммо бир ҳафта ўтгач, мулойимгина кўринган Шарофат ҳар хил қилиқлар кўрсатиб, Азизани ўз ноғорасига ўйнатишга уринди. Аслида, у пихини ёрган айёр аёл эканини Азиза пайқаганди. Ошхона ичарисидаги хоналардан бирини фоҳишабозларга ажратиб қўйган айёр аёл қўшмачиликни касб қилиб олган экан. У Азизани ҳам, ҳомиладорлигига қарамасдан, шу жирканч мақсади йўлида мажбурлаб, қурбон қилди. У қўл остида ишлайдиганларни ҳам “мижоз”ларига пуллаб, даромад топарди.

Ифлос йўл билан пул топишни касб қилиб олган Шарофат ўзидан 10 ёш кичик бўлган Музаффарни тўрга илинтириб, унга тегиб олганди. Ўта шафқатсиз, очкўз аёл ҳаттоки ой-куни яқинлашаётган Азизанинг бели, қорни оғриганига ҳам ачинмасдан, уни коса-товоқ ювишга мажбурлар, уриб-туртиб ишлатарди. Энг даҳшатлиси эса, маст-аласт, қўпол “мижоз”лар қучоғига иккиқат Азизани зўрлаб киритарди. Бечора Азиза зор-зор йиғласа-да, унинг илтижоларига парво ҳам қилмасди.

Бир куни у Шарофат эри билан бирга унинг туғилажак фарзандини сотиб, уй қурмоқчи бўлаётганини эшитиб қолди. Дардини кимга айтишни билмай, азобланиб юрган кунларининг бирида Азиза овқатланишга келган бир аёл билан суҳбати соз келиб, унга дилидагиларни тўкиб солди: “Ҳали туғилмаган боламни эр-хотин тортиб олиб, сотмоқчи бўлишяпти”, деди. Ундан ёрдам сўраётган пайтида Шарофат Азизани чақириб кетиб, яна “ҳалиги хона”га киритиб юборди.

Азиза анча вақтдан сўнг йиғлаб чиқиб келганида, бояги дардлашган аёл ҳали ҳам чой ичиб ўтирган экан. У ўзини “Зебо” деб таништирди, Хўжа қишлоғида яшашини, Жарқўрғондаги сомсахоналардан бирида ишлашини айтиб: “Вақт топиб боринг, дардлашиб турамиз”, деди.

Бир неча кундан сўнг Зебонинг ўзи Азизани қидириб ошхонага келди. Кеч бўлиб қолгани учун уйига кетолмасдан, Азизанинг ёнида ётиб қолди. Унинг бутун дардини тинглаб, жуда ачинди. Қандай бўлмасин, унга ёрдам беришни кўнглига тукқан Зебо бир куни Сариосиёдаги танишиникига борганида, Азизанинг тақдири тўғрисида дугонасига гапириб бериб, маслаҳат сўради.

— Бечора қизга роса жабр бўлибди-да. Унга қандай ёрдам берсак бўлар экан? — дея Зебонинг танишлари Муборак Шарипова ва Гулчеҳра Қўзиева ўйга толишди.

— Туғилажак фарзандини сотадиган бўлса, уни ўзимиз олиб, сўнгра онасига қайтарсак ҳам савобга қолардик, — дейишди улар. — Ёки органга хабар берганимиз маъқулмикан?

Хуллас, пухта режа тузилди. Зебо Жарқўрғонга қайтиши биланоқ Шарофатга учрашди.

— Бир холамга фарзанд керак эди. Қаердан чақалоқ топишни билмай юрибди. Мабодо сиз шу ҳақда бирон-бир хабар эшитган бўлсангиз... — дея Зебо гап бошлаган эди, Шарофат дарҳол:

— Зебожон, чақалоқ икки-уч кунда ҳал бўлади. Манави Азиза чақалоқ туғади, унинг борадиган жойи ҳам йўқ. Холангизга бемалол хабар қилаверинг, — деди.

Шу заҳоти Зебо Сариосиёдаги танишига қўнғироқ қилди. Муборак билан Гулчеҳра эртаси куниёқ Жарқўрғонга келадиган бўлишди.

Эрталаб Жарқўрғон шоҳ бекати ёнидаги кўприк устида Шарофат билан Зебо меҳмонларни кутиб олди.

— Ё, Мубо, ўзингмисан? Гули ҳам бор-ку! — дея қувониб кетди Шарофат. — Зебо айтган сизларми ҳали?

Меҳмонлар ҳам ҳаяжонда эди:

— Шара, учрашувимизни қарагин-а!

Зебони қўрқув босди: “Наҳотки улар аввалдан таниш бўлишса?..”

Учрашувдан сўнг тўғри ошхонага кириб, стол атрофида ўтиришди. Ароқнинг тозасидан очилди, чақчақлашиб ўтиришди.

— Чақалоқ ҳозирча туғилгани йўқ. Бир неча кундан сўнг у дунёга келади, бу ёғини келишиб қўяверайлик, — деди Шарофат. — Энг муҳими, у бегона бўлмаяпти.

— Майли, ўғил бўлса, етти миллион, қиз бўлса, беш миллион сўм санайман, — деди Муборак, — яхши биласан, фарзандга зорман.

— Шу билан қутулмоқчимисан? Суюнчисига битта катта қўй ҳам берасан! Эрингни чўпон деб эшитганман... — дадил гапирди Шарофат.

Муборак рози бўлди: “Битта қўй бўлса, бўпти-да. Хабарингни кечиктирма, кутамиз!”

Бу орада Азизанинг кўзи ёриди. Қиз туғилди. Шарофат телефон орқали харидор аёллар билан боғланди.

— Азизанинг паспорти йўқ, гувоҳномаси Шўрчидаги Асия опанинг қўлида экан. Унинг яшаш жойи — Олтинсой туман қишлоқ фуқаролар йиғинидан ҳам маълумотнома керак экан.

— Такси тайёр, — дейишди аёллар, — фақат ўзингиз бирга йўл бошлаб борсангиз бўлгани.

Бунгача Зебо Усмонова, Муборак Шарипова, Гулчеҳра Қўзиева вилоят ички ишлар бошқармасига маълумот бериб қўйишганди. Ҳуқуқий идорадагилар ўзларининг ходими — Анвар исмли йигитни киракаш қилиб юборишди.

Аёллар таксида Олтинсой ва Шўрчига бориб, маълумотнома ҳамда гувоҳномани олиб қайтишди. Ўша куниёқ Азиза билан қизчасини ҳам туғуруқхонадан чиқариб, тўппа-тўғри Жарқўрғондаги тандир кабоб ошхонасига кириб боришди. Дастурхонга тандир гўшт, ароқ ва бошқа ноз-неъматлар тортилди. Бир пиёла чойдан сўнг Анвар машинадан пул солинган салафан халтачани кўтариб келди.

— Мана, ичида роппа-роса 5 миллион сўм пул бор.

— Бу билан қутулмайсизлар. Ҳужжатлар, туғуруқ харажатларига 500 минг сўм, яна битта қўйни олиб келинг, — дея оёқ тираб туриб олди Шарофат Рўзиева ва унинг эри Музаффар Ҳазратқулов. — Унгача машинанинг ҳужжатларини гаров тариқасида бериб кетасиз, деб талаб қўйди.

— Ҳужжатлар йўлда керак бўлади. Менга ишонинг, опажон, тилхат ёзиб бераман, чин сўзим, — дея “ялинди” Муборак.

Эр-хотин бироз юмшаб, пулларни санаб олишди. Муштипар онани зор қақшатган Шарофат чақалоқни Муборакка олиб берди. Худди шу маҳал вилоят ИИББ тезкор гуруҳи ва жиноят қидирув бўлими ходимлари виждонсиз эр-хотинни жиноят устида қўлга олишди.

1969 йилда туғилган Шарофат Рўзиева ва 1978 йилда туғилган, Лойқанд маҳалласида рўйхатда туриб, Оққўрғон маҳалласида яшовчи Музаффар Ҳазратқулов суд ҳукмига кўра, қилмишларига яраша жазога тортилди.

Шерали ҚОДИРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди судьяси,
Чори ҚОРАҚУЛОВ,
туман суди халқ маслаҳатчиси.

АКС САДО

АДАБИЙ АГЕНТЛАРГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛАДИ

Ёши улуғ адабиётшунослар, одатда, адабий жараённи мунтазам равишда кузатиб бормайдилар. Кузатсалар-да, фикр-мулоҳаза билдирмайдилар. Забардаст мунаққид, моҳир таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров бундай эмас — у табиатан бадиий адабиёт ғамхўри. Бир-икки мисол. Илк ҳикоялари билан эндигина танилаётган вақтида насрнавис Саломат Вафони биринчилар сафида қўллаб-қувватлаган, мақоласида ижоди моҳиятини уруғлаган ҳам Иброҳим Ғафуров эди. "Тилсим салтанати" китоби тақдимотида қатнашиб, Саломатни руҳлантирган. Ҳамма ҳам бундай қилавермайди. Қолаверса, камина ҳам моҳир адабиётшунос эътиборидан баҳра олганман. Илк шеърий туркумим Иброҳим ака тавсиясига кўра 1982 йилда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чиққан. Ҳали алоҳида шеърлар тўпламим нашр этилмасидан аввал Ёзувчилар уюшмасига тавсиянома ёзиб берганини мамнуният ила эслайман. Титроқ қўллар билан машқларини тутқазган қаламкашга эринмасдан маслаҳатлар бергани саховатпешаликдан нишона.

СУҲБАТ

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ:

"ҲАҚИҚАТ ШУКИ, МУКОФОТ БИЛАН МОҲИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ"

Ўзбек адабиётида нега Нобель мукофотини олишга қодир ёзувчилар йўқ? Нега бадиий адабиётимиз дунёга чиқишга оқсаяпти? Фикр адабиёти қанақа бўлади? Бугун биз шу каби саволлар билан устоз адиб, моҳир таржимон, таниқли мунаққид, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров билан суҳбатлашдик.



— Ассалому алайкум, устоз! Бугунги адабий жараён ҳақидаги айрим масалаларда фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

Куни кеча халқаро Нобель мукофоти тақдимлаш маросими бўлиб ўтди. Унда жанубий кореялик ёш ёзувчи Хан Ган мукофотни қўлга киритди. Бу борада ўзбек адабиётида ҳали ушбу нуфузли мукофот олишга қодир ёзувчи-шоирлар йўқми? Бундай улуғ кунлар бизга қачон келади, сизнингча?

— Нобель нишондори бўлганлар, илоҳо, қандини урсин. Жумладан, энг янги нишондор, жанубий кореялик ёш адиб Хан Ганга ҳам бу мукофот муборак бўлсин! Нобель мукофоти халқаро миқёсларда қанчалар обрўли ва қанчалар шарафли бўлмасин, у ҳаётнинг ва инсон муваффақиятлари, инсон сурур мезонининг ўлчови бўлолмайди. Масалан, мен учун, менинг адабий-бадиий муҳаббатим учун Абдулла Орипов Нобель мукофотидан юрагида жўш урган сўзни айтгандир. Биз учун бу ҳар қандай юксак мукофотдан ортиқроқ қадр-қимматга эга. Ўтмишда олти марталаб Ленин мукофоти олган адиблар ўтган эди. Ҳозир ким ўқияпти уларни, ким эл-юртнинг маъракаларида эсляпти? Ҳақиқат шуки, мукофот билан моҳият ва аҳамият асло ўзгармайди. Нобель мукофоти олмадик деб ёзғириш, менимча, тўғри эмас. Ҳеч нарсада ёзғирмайлик, армон қилмайлик. Одам эканмиз, одамча яшайлик. Ҳар соҳада меҳнатнинг зўрини қиляпмиз. Шунда биз қўлга киритмаган мукофот, тортиқ қолмайди. Худо ер юзида ҳеч бир халқни иқтидор ва истеъдоддан қисмаган.

Муаллифга қўш қўллаб топширади — шу билан иш тамом. Тарғибот дегани йўқ ҳисобида. Ҳақли равишда савол туғилади. Шуям ноширчиликми? Бундай аҳволда хусусий нашриётлар ривожланадими? Маҳсулотларини реклама қилмаса? Сотмаса? Кутубхоналар билан алоқа боғламаса? Хўш, мамлакатимиздаги қайси нашриёт маҳсулотларини жаҳон китоб бозорига чиқара олди? Ёки Марказий Осиё миқёсига қайси китобларини чиқарди? Ахир, дейлик, Туркманистонда, Қирғизистонда, Қозоғистонда, Тожикистонда, Озарбайжонда, Туркияда, Россияда қанчадан-қанча ўзбеклар, ўзбек тилини биладиган инсонлар яшайди. Китоб савдоси ташкилотлари шулар билан алоқа боғлаши жоиз эмасми?

"Ўзбек шоиру насрнависларининг китоблари хорижда қачон чиқади?" деймиз-у, чиққанлари ҳақида лом-мим демаймиз; тилбилгичлар иштирокида анжуманлар уюштирмаймиз; китоб чиқишида бош-қош бўлганларни юртимизга таклиф этиб, танишмаймиз. Дейлик, мен шоир Фахриёрнинг Парижда 2017 йилда француз тилида китоби чиққанлигини яқинда билдим. Ўзбек шоирининг жаҳон маданияти сарчашмаларидан бирида китоби чиқса, бу — байрам қилишга арзигулик ҳодиса эмасми? Таржимони ким, таржима сифати қандоқ — билгимиз келади-да ахир. Шоира Хосият Рустамова шеърияти ҳақида ёзганим — "Ранг орқали ичкарига" бундан ўн олти йилча аввал "Гулистон" журналида чиққанидан сўнг анча-мунча шов-шувга сабабчи бўлган эди. Шундан бери шоирларнинг ижодий фаолиятига қизиқаман. Шоирларнинг ўн тўртта китоби Ўзбекистонда чиққан бўлса, хорижда йигирма иккита китоби чоп этилибди. Европа ва Америка қитъаларида босилган китобларини сўраб-суриштирдим. Аниқлаганларим: "Рангин кўз ёшлар". Буюк Британияда чиқибди (2020 йил). "Тушовланган шамол". Беларусь, 2021 йил. "Ҳовучимдаги юлдуз". Украина, 2021 йил. "Кўнгил изидан", Сербия, 2021 йил. "Саккиз". Россия, 2021 йил. "Ўн учинчи ой". Испания, 2022 йил. "Мени юраклардан қидир". Америка Қўшма Штатлари, 2023 йил. "Шеърлар ва Кундаликлар". Руминия, 2023 йил. Айни пайтда Грецияда китоби нашрга тайёрланмоқда экан. Ҳали ўзбек шеърияти жаҳонда довруқ қозонади. Лекин биринчи қалдирғоч — Хосиятдир.

Агар шундоқ бўлса, адабий агентларга эҳтиёж сезилади. Биринчи навбатда бадиий ижод билан қизиқувчи ёшлар қўшимча иш билан таъминланадилар; қўшимча маош ишлайдилар. Бу икки тарафлама фойда беради. Энг муҳими, шоир ёки насрнавис нашриётларга боришкелиш, шартномалар тузиш, хорижий ноширлар билан алоқа ўрнатиш ташвишидан мосуво бўлади. Ортиқча "бош оғриқлари"га барҳам берилади. Мана, ўзимдан мисол. Германия Федератив Республикаси "Лейпциг адабиёт нашриёти" корхонаси раҳбарияти илтимосига кўра таржимонларим мени беш йил мобайнида излаганлар. Адабий агентим бўлса, шундай оворагарчиликлар юз бермаган бўлур эди.

Иброҳим Ғафуров айтадики: "... Айниқса, билимдон, кордон адабий агентларнинг етишиб чиқиши ва фаолият йўлларини очиши жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозир шундай агентларимиз йўқ даражада ёки бармоқ билан санарли оз. Яхши билиб олайликки, маданий Ғарбнинг адабиёт ва санъат дунёси адабий агентларсиз яшамайди, ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмайди. Ғарбда ҳар бир профессионал адабий агент муболаға бўлиб туюлмасинки, битта Ёзувчилар уюшмасининг ишини бир ўзи бажаради. Ёзувчининг асари қўлига киргач, у асарни баҳолайди, таржимон топади, нашриётлар билан гаплашади, келишади, ҳақ-ҳуқуқ, қалам ҳақларини келишади. Тарқатиш, хорижий тилларга ёйиш чораларини белгилайди. Яъни ҳозирги бизнинг ёзувчиларимиз ҳеч имкон топмайдиган барча ташкилий ишларни бажаради. Бизга шундай иш усули сув билан ҳаводай зарур. Шунда китобнинг янги ривожланиш йўли, тенденциялари бошланади. Ривожнинг бошқа йўли йўқ".

Ҳозирга довур биз бирор ўзбек шоири ёки насрнависи адабий агент ёллагани борасида эшитмадик. Бирор-бир ноширнинг шоир ёки насрнависнинг қўлёзмасини сотиб олгани ҳақида эшитмадик. Китоб савдоси борми ўзи? Гонорар-чи? Шундоқ экан, қайси пулимизга адабий агент ёллаймиз? Гонорар бор жойда агент бўлади. Тўртта қўшиқни ёдлаб олган тўйчи артистлар билан даллолсиз гаплашиб бўлмайди. Битта тўйга бориш, бир эмас, иккита отнинг калласидай пул бўлса?! Футболчиларда ҳам агент бор. Чунки, уларнинг-да даромади мўмай.

Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби улуғларнинг замондоши Иброҳим Ғафуров — адабиётимизнинг етмиш йиллик тирик қомусидир. Шундай экан, адибнинг мантиқли гапларини ҳаётда, жамиятда қўлловчи борми, топиладими? Ахир олим мулоҳазаларини кўзга тўтиё қилса арзийди.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

СОЧМАЛАР



Муаллиф ҳақида:

Ўролбой ҚОБИЛ — 1955 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғида туғилган.

Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетида таҳсил олган. Узоқ йиллар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозирда нафақада.

Муаллифнинг "Кечиккан карвон қўнғироғи", "Адир ортидаги қишлоқ", "Эна тупроқ", "Қамаши гурунглари", "Кўнгилга йўл" каби насрий ва шеърий китоблари чоп этилган.

ВАТАН ТУПРОҒИ

Қишнинг охирлари эди. Ташқари анча совуқ бўлса-да, онам хона эшигини очиб қўярди. "Нега бундай қиласиз? Шамоллаб қолманг", дердим.

— Ёруғлик ҳам ғанимат, болам, — дердилар онам. — Ҳадемай кўклам келади. Қалдирғочлар уйимизни тополмай юрмасин.

Кўп ўтмай, кунлар исиб кетди, дов-дарахтлар куртак чиқарди, баҳор ёмғирлари ёғди. Одамлар дарвешона, Наврўзга ҳозирлик кўра бошлашди.

Мактабдан қайтаётиб, онамни кўргани бурилдим. Ҳовлида ўйнаб юрган набирам ёнимга чопиб келди.

— Бово, толдирғоч келди, толдирғоч, — деб мени онам турган хонага бошлади. Не кўз билан кўрайки, тўшакда ётадиган онам ўтириб олиб, шифтдаги электр симига қўниб турган икки жуфт қалдирғоч билан суҳбат қурарди:

— Келдингларми, Биби Фотиманинг қушлари, эгачиларим, қавму қариндошлар, хешу ақраболар эсон-омонми, тов-тошлардан, ёбонлару сувлиқлардан учиб ўтиб келдингларми? Чуғурлаган тилларингдан айланай! Эна тупроқни соғиниб келибсизлар-да...

Қалдирғочлар полапонларини учирма қилаётган кезлари онам вафот этди.

Ёстиғининг тагидан бир тугун чиқди. Очдим: Жонбўсойнинг қадрдон, ёпишқоқ тупроғи ҳиди димоғимга урилди.

* * *

— Яқинда ўттиз йилдан бери кўрмаган болалик дўстимни учратдим, — деди Парда бобо хўрсиниб. — Бечора қариб-букчайиб қолибди, ёши ҳам етмишдан ошди-да... Йигитлигида ўғай онаси билан чиқишолмасдан аразлаб, Русияга кетиб қолганди. Ўша тарафларда уйланиб, ўғил-қизли бўпти. Йиллар ўтиб, ўғли бошқа шаҳарга ишга кетибди, қизи ҳам ўқишда украин йигит билан топишиб, Днепр бўйида қолибди. Хотини иккаласи ёлғиз қолгач, қишлоққа кўчишибди. Сигири, товуқ-ғозлари бормиш. Яшаши ёмон эмас экан-у, бегоналигим билинади, дейди бечора. Тилимни унутмайин деб тунлари ўзи билан ўзи гаплашиб чиқаркан. Куним битиб ўлсам, жанозамни ўқийдиган одам йўқ, — деб роса ўкинди.

— Қишлоғи ўрмон ёқасида эмиш, — дея гапида давом этади Парда бобо бир хўрсиниб қўйиб. — Қушлар кўп дейди, лайлаклар, турналардан юртимизга салом йўллармиш. Кетишига бир неча кун қолганда, иккаламиз қабристонга бордик. Унинг кўзларидан оқаётган ёшларни кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетди. Чидаб туролмадим, менам қўшилиб йиғладим.

Қайтаётиб, дастрўмолига бир сиқим тупроқ тугиб чўнтагига солди:

— Таняга бераман, ўлсам, мозоримга сочади...

* * *

Муборак ҳаж сафаридан қайтган тоғам бир куни айтиб қолди:

— Ўзимизнинг элдан айирмасин экан. Кўрдим жаннат деб аталган гўшаларни. Қип-қизил тош, қум, бархан экан. На дов-дарахт, на гиёҳ бор. Одамлари турли даражада яшаса ҳам, негадир бир-бирларига ётсираб қарашаркан. Биздагидек меҳр-оқибат йўқ экан, жиян.

Борган кунимиз бир йигит ёнимга келиб саломлашди. Асли аждодлари туркистонлик экан. Тилини унутмабди. Кўзидаги мунг-дардни кўриб, кўнглим бузилди.

— Юртдош, мабодо сизда Ватан тупроғи топиладими? — деб сўради.

— Бор, — дедим ва халтачада олиб борган тупроқни кўрсатдим.

— Агар имкони бўлса, бир сиқим берсангиз, қанча сўрасангиз бераман, — деди шошиб.

— Юрт тупроғи сотилмайди, — дедим ва бир сиқим тупроқ бердим. Тупроқни кафтларига оҳистагина олар экан, бечора худди хазина топгандек қувониб кетди. Қайтар кунимиз ўша йигит яна мени излаб топди:

— Раҳмат, ватандош, мени оғир мушкулотдан халос этдингиз. Биласизми, ёши тўқсондан ошган бобом бор. Анчадан буён хаста эди. Бир куни ёнига чақириб, "юртимнинг тупроғидан топиб келмасанг, сендан рози эмасман", деб айтди. Ўша сиз инъом қилган тупроқни олиб бордим. Бечора бобом уни кўзларига суртди, ўпди, сўнгра... кўксига босиб, тинчгина жон берди.

Мен йигитнинг сўзларини тинглаб, юзимга фотиҳа тортдим ва ҳеч кимни Ватан тупроғига зор эттмасин, деб илтижо қилдим.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Қамаши

МУТОЛАА

"ДАРДИСАР"НИНГ ДАРДИ НЕ?

Ёзувчи Хуршид Абдурашид қаламига мансуб "Дардисар" романини ўқишимнинг ўзи ҳам қизиқ бўлди. Устозларимдан бири: "Янги асар чиқибди, қани, ўқиб мен билан мулоҳазаларингизни бўлишинг-чи", дегандан сўнг романни тезда қўлимга олдим. Ва ниҳоят, автобиографик, тарихий, психологик ва дидактик асарлардан ортиб ушбу фантастик асарни ўқишга киришдим. Роман ўзбек адабиётида камроқ қўл урилади-ган фантасмагорияга асосланган.



Классик адабиётлардан сўнг бу каби асарларни ўқиган китобхонларга замонавий адабиётлар гўёки бир марталик мириқиб ўқиладиган асардек туюлиши мумкин. Тўғри, ушбу романда муаллиф Жонатан Свифт сингари рамзий образ орқали бутун жамиятни титратиб юборолмас ёки Роулинг каби олам ичида сеҳрли олам яратолмагандир. Аммо романда айни пайтдаги ҳаётимиз, ўзимиз ва ўзимизга ўхшаган одамлар тасвирланади. Шундай экан, асарларимиз ҳам ўзимиз каби бир марталикдек туюлаверади. Энди китобларда юксак, фалсафий ғояларни кўтариб чиққанига қараб эмас, бизга қай даражада кўзгу тута олганига қараб баҳо беришимиз керакдек. Ҳаётни бор бўйича кўрсата олса, яхши, ўхшатолмаса, ёмон...

"Дардисар"ни ўқишни бошлаганимда воқеалар ривожини ўзимча тахмин қилгандим. Лекин воқеалар умуман бошқа кўчаларга бурилиб кетди. Асар Кўзаобод қишлоғида, омадсиз ва қашшоқ ҳаётидан доимо нолиб, нуқул осон йўл билан бойиб кетишни хоҳлайдиган Ҳотам образи билан бошланади. Асар қаҳрамони оилали инсон бўлишига қарамасдан ҳаётдан ҳар доим мўъжиза излайди. Бунга сабаб унинг қарзга ботиб кетганлигидир, балки... Ҳотам ишлаш ёки янги касб-ҳунарнинг бошини тутишдан кўра атрофдагилардан қарз сўраш ёки хаёлидаги мўъжизанинг амалга ошишини кутади. Қани энди пул ёмғири ёғса-ю, Ҳотам бу ёмғирда кунлаб қолиб кетса... Афсуски, бу фақат унинг хаёлларида эди. Ҳотам бахтсиз кунларининг бирида йўлда алмисоқдан қолган чироқни топиб олади. Ўша фантазияга бой мияси билан уни "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи" деб ўйлайди ва ишқалайди. Ана энди кўринг мўъжизани: чироқдан ростдан ҳам ўша биз кино-ю мультфильмларда кўрган ҳақиқий жин пайдо бўлади. Аммо унинг эртаклардаги жиндан фарқи шундаки, у биттагина сеҳрли тилакларни ҳам бажаролмайди.

Топилма ҳақиқатда ноодатий — сеҳрдан маҳрум жин. Мана шу сюжетнинг ўзиёқ китобхонни анчагина қизиқтириб қўяди. Лекин сеҳрсиз жин кимгаям керак? Ҳотам бечоранинг қувончи узоққа чўзилмади. Шунча йил кутган мўъжизаси рўй берса-ю, лекин тилакларни бажо қилолмаса... Шу он Ҳотамнинг хаёлига "Ҳеч бўлмаса, жиннинг чироғини антиқа буюмлар дўконига пулласам, қарзларимдан енгиллашардим", деган фикр келади. Аммо жиннинг чироқсиз аҳволи не кечишига қизиқмай, муғомбирлик билан жиндан чироғини сўрайди.

Асардаги воқеалар худди мана шу жойдан бошланади. Жин 900 йилдан ортиқроқ умрни ер ости салтанати Бағдод ва ер устидаги бир неча шаҳарларда яшаган бўлса-да, бир оддий инсоннинг ёлғонига лаққа тушади ва бошпанаси бўлган чироқни Ҳотамга бериб юборади. Шундан сўнг унинг дарвешликдаги ҳаёти бошланади. У шу вақт мобайнида бир неча инсонлар билан танишади. Мисол учун, маҳалла раиси Бўтақул ва унинг ўғли Турсунбой. Бўтақул — самимий, инсонпарвар ва виждонли инсон. У жинга ўз уйидан бошпана беради ва чироқни топиш ишларида ёрдамлашади. Бўтақул — танти ўзбек тимсоли. У ўзга оламдан келган мавжудотни ҳам ўзбекона сийлайди. "Олиб ўтиринг, кўнглингиз нима тусайди, меҳмон?" дея самимий лутф айлайди. Унинг ўғли Турсунбой эса оддий талаба йигит. Офат исмли курсдошига ошиқу беқарор...

Жин ва Бўтақулнинг саргузаштлари орқали баъзи маҳалла тизимидаги ички ҳолатлар яққол очиб берилади. Мисол учун, Бўтақул маҳалла раиси сифатида кўпчилик боқимандалик кайфиятига тушиб қолгани ва маҳалла ишларида бекорчи рўйхатларнинг авжига чиққанидан нолийди...

Дарвоқе, жин чироғи топилгунча бирор юмуш билан банд бўлишни истайди ва ахийри мардикорлик билан шуғулланишга қарор қилади. У шу пайт давомида "Ўзим бўлай" партиясидан Қўйлибек Қултоевнинг антиқа таклифларига, ўзи математика ўқитувчиси бўлишига қарамай, адабиёт ихлосманди шоир Чори Чопра, ўзи одамларга шифо улашиб балога қоладиган Эломон Жўломоновга, ўзи ҳақида автобиографик асар ёздирувчи Каттаконов, зиқна ва виждонсиз Хуррамбой, порахўрликни аниқловчи аппарат яратган ихтирочи Ихтиёр, блогер Нозим Юртпарвар, маошининг ўзи ойнинг у бошидан бу бошига етмай яна қўшимча ҳашардан ошмайдиган география ўқитувчиси Олим ва яна бир неча қизиқарли образларга дуч келади ва улар билан суҳбатдош бўлади. Асардаги ушбу одамларнинг ҳикояларини ўқиб, жамиятимизда кеча ва бугунги кунда юз бераётган воқеаларни эслайсан киши. Кундакунора беморларнинг яқинлари томонидан калтакланаётган шифокорлар, депутатларнинг маънисиз таклифлар билан чиқиши, ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари ҳашар юмушларига жалб қилиниши ҳақидаги хабарлар тез-тез атрофимизда айланади.

Қолаверса, асардаги Ko'za.uz хабарлари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Унда математика фанидан ғолиб бўлган ўқувчига қовун-тарвуз мукофот тарзида берилганлиги, депутат Қултоевнинг бекорчи кишиларга солиқ солиш таклифи билан чиқиши, кўп қаватли уйлардан бири очилиш маросимининг ўзидаёқ қулаб тушиши ва қандайдир актрисанинг учинчи турмушидан ажрашганлигининг кенг муҳокамаси бугунги ҳаётимизда юз бераётган воқеаларнинг бадиий талқини, акси десак, хато бўлмас.

Асардаги дардисар ким ўзи? Гап шундаки, асар бошидан буён деярли ҳар бир образда муаммо ва дард бор. Ҳатто ўзга оламдан келган жин ҳам ушбу жамиятга қўшилиши билан ўзига дард орттирди. Инсон яшар экан, қандайдир муаммолар унга доимо шерик бўлади: у хоҳ етти яшар бўлсин, хоҳ етмишда. Романнинг қизиқ томони ҳам шунда бўлса керак. Асар муаммолар устига қурилган ва бунда инсоннинг шахсий муаммолари эмас, балки муаммолар жамият билан чамбарчас боғлиқлиги ҳикоя қилинади.

Асардаги жинга келсак, шахсан менда озгина тушунарсиз кечинмаларни пайдо қилди. Жин дея аталган образ оддий одамдан деярли фарқ қилмайди. Фақатгина бир тутам соқоли ва шифохонада ундан қон олишолмаганлиги, унга расмий ҳужжат тайёрлаш учун расмга тушира олишмаганидан бошқа фарқ кўринмайди. Балки, бу жиннинг ўша жой муҳитига тез мослашишидандир. Романдаги жин образида эса умидсиз, қари чолни кўролдим, холос. У нафақат сеҳрдан маҳрум, балки атрофидаги "дардисар"ларнинг муаммоларига тузук маслаҳат ҳам бера олмайди.

"Дардисар" форсча сўз бўлиб, "бош оғриғи", "ортиқча ташвиш" маъноларини англатади. Роман бугунги дунёда шахсликнинг йўқолиб бориши, оддий муаммолар ичида ўралашиб, бош қотириб яшаётган, майдалашиб бораётган жамиятнинг дардисари ҳақида. Жиннинг қари ва тушкун образда тасвирланишида эртанги кун ташвиши, дардисарларга ечим қидириш кексаларга қолгандек, улар ҳам куч-қуввати, даври ўтганидан жамиятни ўзгартиришга ожиздек тасаввур уйғотади.

Асар якунида эса... очиғи, ўзгача порлаш кутгандим. Аммо бизнинг жин асардаги ёмон қаҳрамонларни яхшилар ёнига улоқтиришдан бошқасига ярамади. Воқеа давоми ва бу ҳисоб-китоб қай тусда якун топгани китобхонга номаълумлигича қолиб кетаверди.

Ҳа, майли, нима бўлган тақдирда ҳам асар яхшилик билан тугади. Сих ҳам, кабоб ҳам куймади. Жин ҳам чироғини топиб, ўз Бағдодига эсон-омон етиб олгандир. Қолганлар ҳам ўз қилмишларига қайсидир маънода жавоб беришди. Шундай қилиб, ўзбек адабиётига фантастик, сатира, юмор руҳида ёзилган "Дардисар" деган роман қўшилди!

Дилдора ДЎСМАТОВА,
ЎзЖОКУ талабаси.

ОГОҲЛИК

ДОИМО ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!



Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтирган ҳолда, уларга риоя этишга, ёнғиннинг олдини олишга эътибор қаратишдан иборат. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

“Ўз уйингни ўзинг асра” шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола асбоблардан фойдаланмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлигини эслатиб ўтамиз. Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулкни, уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади. Болаларимизга тўғри тарбия бериб, Ватанимизга содиқ, ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишига ҳисса қўшиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шундай экан, ҳамиша фарзандларимиздан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз керак.

Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини истамайди, албатта. Ёнғин эса бир неча сонияда инсонларни мол-мулкидан, яқинларидан ҳам ажратиб юборадиган бир офатдир. Содир бўладиган ёнғинлар неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Бу эса бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида рўй бериши мумкин.

Ушбу масканларда ёнғин содир бўлса, тез вақт ичида кенг майдонларга тарқалиб, инсонлар ҳаётига хавф туғдириши ва давлат мулкига катта моддий зарар етказиши мумкин.

Қурилаётган, қайта таъмирланаётган ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган бино ва иншоотларда ёнғинга қарши чора-тадбирларни тўла-тўкис бажарсак, содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олган ва ўз хавфсизлигимизни таъминлаш, юртимиз равнақи йўлида ҳиссамизни қўшган бўламиз.

М. РИСБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий биноларидан фойдаланиш бошқармаси биносида ЁХТТЭ 2-бўлинмаси кичик инспектори, кичик сержант.

РЕКЛАМА

TuronBank

QULAY SHARTLARDA
IPOTEKA KREDITI



% Foiz stavkasi 17,5%
Kredit muddati 20yil
Boshlang‘ich to‘lovi 15%

Хизматлар лицензияланган.

ФИКР



Катта бўлинг-у, катталик қилманг!

Баъзан болалар тарафидан кичик хатоларга йўл қўйилиши кузатилади. Бебошлик қилган дамларда эса: “Бола-да, ҳали ёш-да”, деб қўйилади. Яна бундай ҳолларда халқимиз болалик қилганларга нисбатан: “Катта бўлса, ақли киради”, деган гапни қўллаганлигига кўп гувоҳ бўламиз. Шубҳасиз, “Ақл — ёшда эмас, бошда”, аммо ҳар қандай инсон ёшига, ҳолатига кўра вазифаларни зиммасига олмоғи даркор эмасми? Бироқ ёшим катта дея ўйламасдан иш юритиш ҳам нотўғри.

Инсон улғайгани сайин ундаги бор фазилат ва иллатлар ҳам улғаяди. Шундай иллатлардан бири кибрлиликдир. Аксар инсонлар кўчада, ишда ёшини пеш қилиб кичикларга босим ўтказади, айтганини қилдиради. Хўш, бу қай даражада тўғри? Аксинча, улар ёрдам қўлини чўзиши, ўзидан кичикларнинг бошига мусибат тушса, тўғри йўл кўрсатиши даркор. Бироқ уларнинг ўзи тўғри йўлдами? Ҳурмат қилиняптими, иззатни ҳам ўрнига қўйсин-да. Халқимиз бундай одамларга қарата “Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор” иборасини қўллашади, яъни гапларингга яраша муносиб ҳаракат ҳам қил, фақат сўзда эмас, амалда ҳам кўрайлик қабилида. Бу иллат инсонни ва унинг атрофидагиларни ноқулай вазиятга солиб қўяди. Манманлик, такаббурлик инсонни кўп нарсадан мосуво қилади.

Ишонинг, кибр атрофингиздагиларнинг қалбларига оғир ботади, улар олдида қадрингиз бўлмайди, манман, такаббур инсон сингари кўринасиз. Сиз ҳақингизда салбий ўйларга боришади. Сизни ёмон кўриб қолишади, ҳатто аудиторияда ўз ўрнингизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Шу боис ҳеч қачон катта кетманг, нонни катта тишласангиз ҳам, гапни катта гапирманг. Аллоҳ таоло истаса, осмонда парвоз этувчи қушни ерда судралиб юрувчи илонга ем қилади. Бари жуда оддий, шунчаки камтар бўлиш керак, холос. Ахир доно элимиз: “Камтарга камол, манманга завол”, деб бежиз айтмаган. Камтар инсон ҳар ерда обрў қозонади, ҳурмат топади. Биргина камтарлик — бошқа эзгу хислатларингизнинг ҳам намоён бўлишида тагзамин. Шу ўринда шоир Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида”ги шеъри ёдимизга келади.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак,
Шундай экан манманлик нечун,
Кибр-у ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан,
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Ҳа, камтарлик ҳамиша кўзларга сургулик эъзоз топиш имкониятини ошира оладиган хислат экан.

Матлуба ШАКАРОВА,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси.

Hurriyat Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 111
Буюртма — Г-1244
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23²⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.